

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**



**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
Иқтисодиёт ва бошқарув факултети**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани и.ф.н., доцент
Ф.Б.Ахроров
«_____» _____ 2013 йил

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси
5610100-«Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш» йўналиши
бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи таҳлили ва уни пасайтириш имкониятлари” (Самарқанд тумани мисолида)

Бажарди: 5610100-«Фермер
хўжалигини бошқариш»
йўналиши 4-босқич талабаси

Холматов Отабек

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи

Ш.Ахмедов

Битирув малакавий иш
муҳокама қилинди ва ҳимояга
рухсат берилди

Кафедра мудир, и.ф.д.,
А.Алиқулов
«_____» _____ 2013 йил.

САМАРҚАНД – 2013

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Иқтисодиёт ва бошқарув факултети
5610100-«Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш» йўналиши 4-босқич
талабаси Холматов Отабекнинг “Сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш
таннархи таҳлили ва уни пасайтириш имкониятлари” (Самарқанд тумани
мисолида) мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига

Рухсатнома

Мазкур битирув малакавий иши «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраларининг 2013 йил «___» _____ бўлган йиғилишида муҳокама
қилиниб, ___-баённома билан Давлат Аттестация ҳайъатида ҳимоя қилишга
тавсия этилди.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраси мудири, и.ф.д.,

А.Алиқулов

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи

Ш.Ахмедов

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Иқтисодиёт ва бошқарув факултети 5610100-«Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш» йўналиши 4-босқич талабаси Холматов Отабекнинг “Сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи таҳлили ва уни пасайтириш имкониятлари” (Самарқанд тумани мисолида) мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида иқтиодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим шартларидан бири бу – иқтиодиётнинг реал тармоғини ривожлантириш, моддий товар буюмлари ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, айнан шу борада мамлакатимизда иқтиодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида мамлакатни модернизациялаш вазифаси қўйилди. Мамлакат иқтиодиётида модернизациялашни амалга ошириш нафақат саноатда балки, қишлоқ хўжалигида ҳам амалга оширилиши лозим. Бу борада Президентимизнинг: «...Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтиодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда» деган фикри асослидир.

Республика халқ хўжалигида, шунингдек унинг муҳим бугини булган агросаноат мажмуида аҳоли истеъмол талабига тўлиқ жавоб берадиган сабзавот маҳсулотларининг турли хиллари ва бозор талаблари асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг сифатига путур етказмасдан истеъмолчига етказиб бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу жиҳатдан талаба танлаган битирув малакавий иши мавзуси долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Ишда сўз боши, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Ишнинг сўз боши қисми мавзунининг долзарблигига бағишланган. Мавзунинг асосий қисми ишни I - III бобларда берилган бўлиб, фермер хўжаликларида сабзавот етиштиришнинг ҳолати, у бўйича харажатлар, унинг таннархини ҳисоблаш тартиби айрим фермер хўжаликларининг ҳужжатлари ва бошқа тегишли маълумотлар асосида ўрганилиб, улар бўйича айрим камчиллик ва ноаниқликлар мавжудлиги аниқланган ва ишда уларни бартараф этиш бўйича муайян таклифлар бирилган.

Шунга қарамасдан иш 5610100“Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” ихтисослиги бўйича Битирув малакавий ишлари талабларига тўлиқ жавоб беради ва у Давлат Аттестация ҳаёти ҳузурида ҳимояга тавсия этилади.

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи



Ш.Ахмедов

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	8
2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИКТИСОДИЙ ТАВСИФИ.....	17
2.1. Ер ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш.....	17
2.2. Моддий-техника ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш.....	22
2.3. Мехнат ресурслар ва улардан оқилона фойдаланиш.....	30
3. ТУМАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	34
3.1. Таннарх тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.....	34
3.2. Сабзавотчиликда маҳсулот таннархининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	39
3.3. Сабзавотчиликда маҳсулот таннархининг омилли таҳлили.....	44
4. САБЗАВОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАННАРХНИ ПАСАЙТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ	47
4.1. Сабзавотчиликда маҳсулот миқдори ва сифатини ошириш имкониятлари.....	47
4.2. Сабзавотчиликда рентабелликни ошириш йуллари.....	56
4.3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятлари	61
5. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ.....	64
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	69
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	73

КИРИШ

Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси ишлаб чиқаришнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш асосида мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга, саноатнинг эса хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Президентимиз ўз марузаларида “.....2012-йилда ҳам, сўнгги йиллардаги каби, янги мавсумга тайёргарлик кўриш даврида ёғингарчилик кўп бўлгани, баҳорнинг кеч келгани ва намгарчиликнинг юқори бўлгани, ёз фаслида ҳаво хароратининг ҳаддан зиёд ошиб кетгани қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишда жиддий муаммо ва қийинчиликларни юзага келтирди.

Шунга қарамасдан, 2012-йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Буларнинг барчаси, авваламбор, деҳқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ютуқлар барча ресурс ва имкониятларимизни тўла сафарбар эта олганимизнинг натижасидир...”¹ – деб такидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон шароитида сабзавот ва уларни қайта ишлаб чиқаришдан олинган асосий маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш халқ хўжалигида муҳим аҳамиятига эга. Сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида нисбатан жуда катта ҳажмда меҳнат, ер-сув ва буюмлашган моддий ва интеллектуал ресурслардан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи. 19.01.2013. №13

кенг фойдаланилади. Тармоқдаги ресурслардан самарали фойдаланиш орқали халқимизнинг меҳнат қилиш ва яшаш шароитларини тубдан яхшилаш имкониятини яратиш, бугунги куннинг асосий талабларидан биридир. Республикамиз Президенти И.Каримов бу масалага катта эътибор бериб, «Мақсад—қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак» -деган эди.

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалигида сабзавотчилик муҳим тармоқлардан бири ҳисобланиб, унинг мамлакат халқ хўжалигида ўрни бекиёс шу сабабли барча туманлар сабзавотчилик билан шуғулланади. Ҳар йили ўртача мамлакатимизда 161,5 минг гектар майдонда 521740 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

Сабзавот маҳсулотлари ҳамма мамлакатларида етиштирилади. Ҳар бир кишининг йиллик сабзавот истеъмол қилиши ўртача 60 кг ни ташкил этиб, бу физиологик меъёрдан кўпчилик давлатларда 1,5-3 баравар камдир.

Республикамизда ҳар бир сабзавот экинларининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи ҳам ўзгармоқда. Ҳозирги пайтда умумий сабзавот экинлар майдонининг 35-38 фоизини помидор, 15-17 фоизини -карам, 18-20 фоизини пиёз ва саримсоқ, 4-6 фоизини - сабзи, 8-10 фоизини - бодринг, 2-3 фоизини - лавлаги, 9-10 фоизини - бошқа сабзавот экинлари (редиска, бойимжон, қалампир, кабачка, патиссон, кўкатлар) эгаллайди.

Вилоятимизда 2010 йилда 17164 гектар майдонга сабзавот экинлари экилиб, уларнинг ўртача ҳосилдорлиги 328,2 ц/гани ташкил этиб, 563311 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2012 йилда 27101 гектар майдонга сабзавот экинлари экилиб, ўртача ҳосилдорлик 322,4 ц/гани ташкил этиб, 873668 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилган.

Тадқиқот объекти бўлган Самарқанд вилояти Самарқанд туманида 2010 йилда 2482 гектар майдонда сабзавот етиштириб, ҳар гектардан ўртача 296,8 ц/гадан, жами 73673 тонна ҳосил олиниб, рентабеллик 39,5 фоизни

ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3255 гектар майдонда сабзаёт етиштириб, ҳар гектардан ўртача 393,8 ц/гадан, жами 128180 тонна ҳосил олинди, рентабеллик 38,9 фоизни ташкил этган.

Ушбу эришилган ютуқларга қарамасдан, туман фермер хўжаликларида ҳар гектар экин майдонидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот таннархни пасайтириш учун маҳаллий хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш даражасини ошириш, материаллар сарфи меъёрларини пасайтириш каби асосий йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Сабзаёт ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш, сотишдан олинаётган фойда миқдорини кўпайтириш сабзаёт маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки, ҳозирги кунда маҳсулот таннархини пасайтириш, олинаётган фойда миқдорини кўпайтириш билан бирга, фермер хўжаликларларини иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошишига олиб келади.

Сабзаётчилик ва у билан бевосита боғлиқ қайта ишлаш тармоқларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали қишлоқ ва шаҳарда меҳнатга яроқли аҳолидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига реал шароит яратилади. Лекин, қишлоқ хўжалигида сабзаёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда 1 ц сабзаёт ишлаб чиқаришга сарфланаётган моддий ресурслар самарали фойдаланган ҳолда уни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларини камайтириш, тайёрланадиган сабзаёт сифатини ошириш ва

сотиш баҳоларини такомиллаштириш ҳамда фермерларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади - тармоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошира бориб, интенсив технологияларни қўллаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, сабзаёт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, моддий манфаатдорликни ошириш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришнинг асосий йўллари ва имкониятларини очиб беришдир.

Битирув малакавий ишида тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фермер хўжаликларининг ресурслар билан таъминланиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- фермер хўжаликларида сабзаёт маҳсулоти таннархининг ҳозирги ҳолати таҳлилинини ўрганиш;
- сабзаёт маҳсулотлари таннархини пасайтириш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Мазкур малакавий битирув ишида Самарқанд туман фермер хўжаликлари мисолида ўрганилган. Самарқанд туман фермер хўжаликлари сабзаёт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини оширишда, моддий харажатлардан самарали фойдаланишда маълум даражада ютиқлар қўлга киритган. Шу билан биргаликда тўлиқ фойдаланмаган реал имкониятлари ҳам мавжуд.

Мавзуни ўрганиш жараёнида асосан статистик ҳам солиштирма таҳлил усулларида фойдаланилган.

Мазкур ишини ёзишда мавзуга тегишли қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, марузалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, аграр соҳа иқтисодчи олимларининг асарлари, мақолалари, Самарқанд туман фермер хўжаликларининг 2010-2012 йиллар

ҳисоботларидан, режаларидан, бирламчи учёт ҳамда таҳлил маълумотларидан, мутахассисларнинг хулосаларидан фойдаланилган. Бу маълумотлар асосида ишлаб чиқариш аҳамияти ҳисоботи, курс ишлари бажарилган ва ҳимоя этилган.

Қуйи қисмда назарий ва услубий аҳамиятга эга бўлган махсус адабиётларга шарҳ ёзишга ҳаракат қилинган.

1. МАВЗУНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ ВА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, унинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш борасида қатор иқтисодчи олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Аммо, сабзавот маҳсулотлари таннархини харажатлар моддалари, меҳнат унумдорлигини ошириш, сотиш жараёнларини хом ашё ишлаб чиқариш билан боғлаган ҳолда ўрганиш бозор муносабатларининг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнида алоҳида эътиборни талаб қилади.

Мамлакатимизда қатор олимларнинг сабзавот маҳсулотлари таннархини пасайтириш борасидаги тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Қуйида малакавий битирув ишини бажариш давомида фойдаланилган айрим адабиётларга шарҳ бериб ўтамиз:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). 2004. -26 август.

Қонуннинг мақсади фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 3-моддасида «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» деб таъриф берилган.

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга ошириш тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-

иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустақкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб этилишини тақозо этади.

3. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: Президент Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи. 20.01.2012.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг нутқида ЯИМнинг ўсишида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хажмини ошириш мавзусига такрор-такрор тўхталиб ўтади. Мазкур нутқда ҳам, жумладан, шундай фикрларни билдириб ўтади: “...иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефт-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011-йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011-йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000-йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011-йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010-йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000-йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000-йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005-йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.”

4. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи. 19.01.2013, №13

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг нутқида ЯИМнинг ўсишига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мавзусига тўхталиб ўтади. Мазкур нутқда ҳам, жумладан, шундай

фикрларни билдириб ўтади: “...Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Юқори қўшимча қийматга ега бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефт-газ ва нефт-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга еришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

Ушбу Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим

моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

6. Дехқонов М. Фермер хўжаликларида таннархни пасайтириш омиллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2010. -№ 5 -б. 30 .

Мақолада дехқончиликда харажатларнинг қопланиш даражасига маҳсулот бирлиги таннархи ва сотиш баҳоси қай даражада боғлиқлигини ўрганиб, бунда регрессия усулини қўллаш лозимлигини баён этирилган. Регрессия коэффицентининг мутлақ сонларини солиштирганда ҳар бир центнер маҳсулотнинг таннархи омиллар орасида энг муҳими эканлиги кўзга ташланади. Шунингдек, маҳсулот таркибидаги харажат моддаларининг маҳсулот таннархига қайдаражада таъсирини ва омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш йулларини кўрсатиб утади.

7. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. –Т.: Молия, 2005.

Ушбу дарслик 4-бўлим, 33-бобдан иборат бўлиб, дарсликнинг биринчи бўлими қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг умумий масалалари, иккинчи бўлими қишлоқ хўжалиги ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, учинчи бўлими қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ва тўртинчи бўлими ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари самарадорлигини ошириш имкониятларига бағишланади.

Дарсликнинг 18-бобида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи ва уни пасайтириш имкониятларига бағишланган бўлиб, бу бобда ишлаб харажатлари ва таннарх тушунчаси, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ташкил топиши, маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг услубий асослари ҳамда маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари кенг ёритилган. Жумладан, сабзавот экинлари етиштириш ва йиғиб-териб олишдаги ишлаб чиқариш харажатлари, яъни 1 центнер маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари кўрсатиб ўтилган.

8. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиқлол, 2004.

Ушбу дарсликда қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш муносабатларининг долзарб масалалари, турли хил мулк шаклидаги корхоналарнинг ташкилий – хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларининг янги концепцияси асосида шакллантириш ва ривожлантириш ишлаб чиқаришда ташкил этишда ижара муносабатлари ва оила (жамоа) пудратининг ўрни, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими, хўжалик юритиш механизмларини ташкиллаштириш хўжалик юритиш тизими ва чорвачилик тармоқларида ташкилий иқтисодий асослари, бизнес режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муоммаларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари акс эттирилган.

9. Муллажонов А. Мева-сабзавотчилик ва сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш, уларни қайта ишлаш ва унда замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича вазифалар. –Самарқанд, 2009.

Маърузада республикамиз ҳудудларида 2009 йилда 9.4 млн.тоннадан ортиқ мева-сабзавот, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, 471,8 минг тоннаси экспорт қилингани, уларнинг 75,7% хўл, 10,6% қуритилган ва 13,7% қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига тўғри келганлиги, экспорт ҳажмларининг асосий қисми Россия Федерациясига-82,8%, Афғонистон (3,8%), Қозоғистон (2,3%), Туркия (2%), Украина (1,7%), Эрон (1,2%) ва Туркменистон (1%) каби давлатларга тўғри келганлиги таъкидланган.

10. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Дарслик. – Т.: 2009. – 460 б.

Дарсликни ёзишда мустақиллик йилларида дунё ва республика қишлоқ хўжалик фани, техникаси ва илғорлари эришган ютуқлар муаллиф томонидан ҳисобга олиниб, ҳар бир сабзавот экинининг аҳамияти, келиб чиқиши, тарқалиши, ботаник таърифи, биологик хусусиятлари, Давлат реестрига киритилган ва кенг тарқалган нав-гетерозисли дурагайлар таърифи, ҳосилдан фойдаланиш соҳасига қараб ўстириш технологиясининг унсурларига катта

эътибор берилган. Муаллифлар унда сўнгги жаҳон ва республика қишлоқ хўжалик фани, техникаси ва илғорлари эришган ютуқларни ҳисобга олиб, ҳар бир сабзавот экинининг аҳамияти, ботаниқ таърифи, биологияси, райинлашган ҳамда кенг тарқалган нав-дурагайлар таърифи, ўстириш технологиясигга катта эътибор берган.

11. Остонақулов Т.Э., Облоқулов Д.Д. Такрорий экин сифатида помидор етиштириш технологияси. –Т.: 2008. -118 б.

Мазкур қўлланмада мамлакатимизда бир йилда 2-3 марта сабзавот етиштириш имкониятлари мавжудлиги, жумладан, ғалла майдонларига такрорий экин сифатида помидор етиштириш ва унинг технологияси ҳақида фикр юритилиб, помидор етиштиришда эътибор қаратиш мумкин бўлган, иқтисодий жиҳатдан самарали етиштириш усуллари эътироф этилган.

12. Қудратов Т.Қ. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. - Самарқанд, 2010.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали ривожлантириш учун уларнинг фаолиятини барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш натижасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича йўл-йўриқларни кўрсатиш зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Ушбу қўлланма 13-бобдан иборат бўлиб, унинг 8-боби бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархининг таҳлилига бағишланади. Бу бобда таҳлилнинг аҳамияти, мақсади, вазифалари, ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш, ҳисоблаш тартиби аниқ мисоллар билан ёритилган. Бундан ташқари ушбу бобда таннархни харажат моддалари бўйича омилли таҳлил қилиш усуллари ва йўллари батафсил баён қилинган.

Умуман олганимизда, қўлланмада фермер хўжаликларлари хўжалик фаолиятини қамраб олувчи барча кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш

ва таҳлил асосида тегишли хулоса ва таклифлар бериш тўла ёритилган бўлиб, булардан битирув иши ёзишда кенг фойдаланилди.

13. Ҳасанов Ш.Т. Сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш. Автореферат. -Самарқанд, 2006.

Мазкур адабиётда Самарқанд вилоятида сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича ҳолат атрофлича ўрганилиб, тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

14. Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2010. - № 2. -б. 26.

Мақола мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йилларидаги тармоқ ривожланиши ҳолати қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги номуносиблик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда харажатларнинг ортиб бориши, ресурслар самарадорлигининг пастлиги ва бошқалар билан изоҳланади.

Муаллиф қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муқобил йўли – барқарор қишлоқ хўжалик стратегиясидир. Бу стратегия иқтисодий, экологик, ижтимоий ва технологик барқарорликни ўзида мужассамлаштириши зарур, деб таъкидлайди. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши қуйидаги бешта омил бажарилишини талаб қилади: ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш; аҳолининг турмуш даражасини кўтариш; табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш; атроф-муҳитнинг тоза бўлиши ва мувозанатни сақлаб туриш. Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларни барқарор ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

15. Эргашев А. Фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. -№ 7 -б. 26 .

Ушбу мақолада муаллиф фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланиш учун моддий сарф-харажатлар мониторингини юритиш лозимлиги тўғрисида фикр юритиб, унинг асосий мақсади сифатида

фермер хўжаликлари томонидан контракция шартномаларини тўлик бажариш, фермер хўжаликлари товар-моддий ресурслар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, тегишли тижорат банкларининг иқтисодий самарадорлигига эришиш, фермер хўжаликлари билан мол етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, моддий техника ресурсларидан, ажратилаётган кредит ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, ўзаро қарздорликларни кескин қисқартириш чораларини кўришдан иборатдир. Бунинг натижасида фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати янада мустаҳкамланиб, иқтисодий барқарор фаолият юритишини таъминлаш имконияти яратилади.

16. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: EXTREMUM PRESS, 2011. -416 б.

Мазку дарсликда қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фанининг назарий ва амалий асослари кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида баён этилган бўлиб, аграр иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг эркин бозор шаклларига ўтиш ва мустақил товар ишлаб чиқарувчилар салмоғи ўсиб бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган. Қишлоқ хўжалигида мавжуд ер-сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор шаклланиши, иқтисодий самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, истиқболда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор суръатда ривожланиш йўналишлари очиқ берилган.

2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ

2.1. ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган аграр сиёсат, фермер хўжаликларининг ерга, етиштирилган маҳсулотга эгаллигини янада мустахкамлаш, ишлоб чиқариш жараёнида ер ва бошқа ресурслардан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш, пировард натижа фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда. Чунки, ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида, шунингдек, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва мамлакат озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда аҳамияти каттадир.

Мамлакатимизнинг барча ер ресурслари ягона ер фондини ташкил этади. Улар мақсадли фойдаланишига қараб, Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек қуйидаги категорияларга бўлинади:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
- аҳоли пунктларининг ерлари;
- саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
- ўрмон фонди ерлари;
- сув фонди ерлари;
- давлат заҳира ерлари.

Ўзбекистоннинг Ер фонди 44413,3 минг гектарни ташкил қилади. Бу майдоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 25365,6 минг гектардан ошиқроқни ташкил қилади. Шундан, қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган, яъни, суғориладиган майдонлар 4210,9 минг гектар бўлиб, бу умумий ер майдонинг 9,4 фоизини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги сифатида ҳам, қишлоқ хўжалигига ярокли ер ва унинг алоҳида турлари бўйича фойдаланишнинг самарадорлиги сифатида ҳам характерлайдиган кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланиши мумкин. Ер ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларнинг бир қисми турли хил ер ресурслари майдонлари ҳажмининг миқдорий ўзгаришларини характерлайди ва маълум даражада улардан фойдаланишнинг экстенсив характерини акс эттиради, бошқа қисми ердан фойдаланишнинг интенсив даражасини характерлайди, яъни 1 гектар майдон ҳисобига тўғри келган у ёки бу ишлаб чиқариш самарасини акс эттиради.

Ер ресурсларидан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичларга, ер ресурсларини қишлоқ хўжалиги оборотига жалб қилиш даражасини акс эттирувчи, ер ресурсларидан, қишлоқ хўжалигига ярокли ердан ва ҳайдаладиган ердан фойдаланиш коэффициентларини ўз ичига олади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти қишлоқ хўжалигига ярокли ерларни хўжаликка беркитилган жами ер майдонига нисбати билан ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш коэффициенти Ҳайдаладиган ерларни қишлоқ хўжалигига ярокли ерларга нисбати билан ифодаланади.

Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффициенти жами экин майдонларини ҳайдаладиган ерларга нисбати билан ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ер қайtimi ва ер сиғимидир. Ер қайtimi 1 га қишлоқ хўжалигига ярокли ерга тўғри келган соф маҳсулотни ифодаласа, ер сиғими, 1 сўмлик соф маҳсулот канча гектар ердан олинганлигини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг кўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва киймат шаклидаги ялпи ва товар маҳсулотлари ҳисобланади. Ер қайtimi ва ер сиғимининг натурал кўрсаткичлари алоҳида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш нуктаи назаридан қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилади.

Самарқанд тумани фермер хўжаликларида асосий ўсимликчилик маҳсулот экинларининг динамикаси қуйидагича бўлган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд тумани фермер хўжаликлари асосан ўсимликчилик маҳсулотлари экин майдонларининг катта қисми 2010-2012 йилларда ғалла, сабзавот, картошка, полиз, мева ва узум экин майдонлари ташкил этган.

2012 йил 2010 йилга нисбатан ғалла ва полиз экин майдонлари камайганлигини кўришимиз мумкин. Лекин, ғалла экин майдонлари камайса ҳам ялпи ҳосилнинг 564,9 тоннага ошганлигини кўришимиз мумкин.

Сабзавот, картошка, мева ва узум экин майдонлари 2012 йил 2010 йилга нисбатан ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунда картошка экин майдонлари 128 гектарга ошган бўлиб, ялпи ҳосил -758,4 тоннага камайган. Ушбу камайиш 2012 йил 2010 йилга нисбатан ҳосилдорлик -70,3 ц/га камайиши ҳисобига юз берган. Узум экин майдонлари 331 гектарга ошган, лекин ҳосилдорлик -10,1 ц/га камайган. Ялпи ҳосилнинг 1309,5 тоннага ошиши узум экин майдонларининг ошиши ҳисобига юз берган.

2.1-жадвал

Самарқанд тумани фермер хўжаликларида асосий ўсимликчилик маҳсулот экинлари ялпи ҳосил динамикаси

Экин турлари	2010 йил			2011 йил			2012 йил			2012 йилни 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)		
	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, т	Экин майдони ҳисобига	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, т	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, т	Экин майдони ҳисобига, га	Ҳосилдорлик ҳисобига, ц/га	Ялпи ҳосил бўйича, т
Ғалла	4730	41,9	19818,7	4375	43	18812,5	3890	52,4	20383,6	-840	10,5	564,9
Сабзавот	2482	296,8	73665,8	5585	145,2	81094,2	3255	393,8	128182	773	97	54516
Картошка	450	258,2	11619	578	201,6	11652,5	578	187,9	10860,6	128	-70,3	-758,4
Полиз	111	271	3008,1	30	169	507	30	187	561	-81	-84	-2447
Мева	1732	70,7	12245,2	1932	89,4	17272,1	1932	105,1	20305,3	200	34,4	8060,1
Узум	2410	123,2	29691,2	2741	86,6	23737,1	2741	113,1	31000,7	331	-10,1	1309,5
Жами	11915	X	X	15241	X	X	12426	X	X	511		

*Манба: Самарқанд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2010-2012 йил маълумотлари.

Демак, фермер хўжаликларида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи ҳосилининг ортишига ва туман фермер хўжаликларида рентабеллик кўрсаткичларининг юқори бўлишига олиб келган.

Самарқанд тумани фермер хўжаликларида мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали, оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига самарали таъсир кўрсатади. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари кейинги бўлимда таҳлил қилинган.

2.2. МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Фермер хўжалигида моддий ресурсларнинг ўсиб бориши, унинг таркиби, тузилишининг яхшилаб бориш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши имконини беради.

Тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар қийматининг 2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгаришини 2.2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар 2012 йил 2010 йилга нисбатан 3243 млн.сўмга ошган бўлиб, бунда бинолар 1260,2 млн.сўмга, иншоатлар 489,3 млн.сўмга, узатиш мосламалари 38,5 млн. сўмга, машина ва ускуналар 622,3 млн.сўмга, мебель ва офис жихослари 17,5 млн.сўмга, компьютер ва хисоблаш техникалари 1,5 млн.сўмга транспорт воситалари 483,4 млн. сўмга, маҳсулдор хайвонлар 14,7 млн.сўмга, кўп йиллик ўсимликлар 305,9 млн.сўмга ва бошқа асосий воситалар 9,6 млн.сўмга ошган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида моддий ресурсларнинг ўсиб бориши, унинг таркиби, тузилишининг яхшилаб бориш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши имконини беради.

Меҳнат предметларига таъсир кўрсатиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда одамлар томонидан фойдаланиладиган ҳамма буюмлар меҳнат воситалари (куроллари) дейилади. Одам меҳнати ишлаб чиқаришнинг қайси моддий элементларига қаратилган бўлса, ўша моддий элемент меҳнат предмети деб аталади. Жамоа, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлган мана шу ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш фондлари шаклида намоён бўлади, буларнинг таркибига пулда баҳоланмаган, яъни корхонанинг баланси активида кўрсатилмаган табиий ишлаб чиқариш воситалари кирмайди. Ишлаб чиқариш фондлари қишлоқ хўжалигида алоҳида иқтисодий

Самарқан тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар қийматининг ўзгариши

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
		Қиймати, млн сўм	Салмоғи, %	Қиймати, млн сўм	Салмоғи, %	Қиймати, млн сўм	Салмоғи, %	Қиймати, млн сўм	Салмоғи, пункт
1.	Бино	9763,5	31,7	10564	31,9	11023,7	32,4	1260,2	0,7
2.	Иншоат	2494,8	8,1	2911,8	8,8	2984,1	8,8	489,3	0,7
3.	Ўзатиш мосламалари	585,2	1,9	601,3	1,8	623,7	1,8	38,5	-0,1
4.	Машина ва ускуналар	5728,8	18,6	6187,3	18,7	6351,1	18,7	622,3	0,1
5.	Мебел ва офис жихозлари	154	0,5	167	0,5	171,5	0,5	17,5	0
6.	Компьютер ва хисоблаш техникалари	30,8	0,1	21	0,1	32,3	0,1	1,5	0
7.	Транспорт воситалари	5174,4	16,8	5528,1	16,7	5657,8	16,6	483,4	-0,2
8.	Махсулдор хайвонлар	123,2	0,4	125	0,4	137,9	0,4	14,7	0,0
9.	Куп йиллик усимликлар	6591,2	21,4	6843,7	20,7	6897,1	20,3	305,9	-1,1
10.	Бошқа асосий воситалар	154	0,5	189,5	0,6	163,6	0,5	9,6	0
	Жами	30800	100	33139	100	34042,8	100	3243	0

*Манба: Самарқанд туман фермер хўжаликларининг 2010-2012 йилги маълумотлари.

категория шаклида фойдаланиб ва уларнинг туркумлаштирилишини 2.1-расмда кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш фондларидан республикамиз миллий даромадининг асосий қисмини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда АСМда фойдаланилаётган ишлаб чиқариш фондлари жами халқ хўжалиги фондларининг 35-40% ташкил этади. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш фондлари жамоа меҳнатининг жамғарилиши бир йўла тўла айланиш — яъни уларни пул шаклидан моддийлашган буюм шаклига, моддийлашган буюм шаклидан товар шаклига, товар шаклидан пул шаклига айланиш - даврида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий аҳамиятига, қўлланиш усулларига ва хизмат қилиш муддатига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги даражасига боғлиқ. Асосий воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннархининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосий ишлаб чиқариш воситалар билан таъминланганлигининг абсолют кўрсаткичи сифатида фондлар билан таъминланиш коэффициенти-дан фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткич мавжуд меҳнат воситаларини уларнинг норматив истеъмолига нисбатан топилади.

1. Фондлар билан таъминланиш коэффициенти:

$$\text{Коэфф.ФТ} = \frac{AB_x}{AB_n}$$

AB_x - ҳақиқатда мавжуд асосий воситалар;

AB_n - асосий воситаларга бўлган норматив эҳтиёж.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосий воситалар билан таъминланишини салмоқли кўрсаткичлари бўлиб ишлаб чиқаришнинг

фондлар билан тўйиниш ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражалари ҳисобланилади:

2. Ишлаб чиқаришнинг фондлар билан тўйиниши кўрсаткичи:

$$\text{Ф.тўйиниш} = \frac{\text{АВ}}{100 \text{ га к/я ер}} ; \quad \frac{\text{АВ}}{100 \text{ сўм қорамолга}}$$

3. Фондлар билан қуролланиш кўрсаткичи:

$$\text{Ф. қурол.} = \frac{\text{АВ}}{\text{ХС}}$$

ХС - ходимлар сони.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситалар билан таъминланишини салмоқли кўрсаткичларига яна ишлаб чиқаришнинг энергия билан тўйиниши ва меҳнатнинг энергия билан қуролланиши киради.

4. Энергия билан тўйиниш кўрсаткичи:

$$\text{Эн.тўйиниш} = \frac{\text{Эн.К}}{100 \text{ га ҳай. ерга}}$$

Эн.К – энергетик установкаларнинг қуввати

5. Энергия билан қуролланиш даражаси, от кучи:

$$\text{Эн.қуроллан.} = \frac{\text{Эн.К}}{\text{ХС}}$$

Эн.К – энергетик қувватлар

ХС – ходимлар сони

6. Электр билан тўйиниш кўрсаткичи:

$$\text{Эл.тўйиниш} = \frac{\text{Эл.Эн. кВт/соат}}{100 \text{ га к/я}}$$

7. Электр билан қуролланиш кўрсаткичи.

$$\text{Эл.қуроллан.} = \frac{\text{Эл.Эн. кВт/соат}}{\text{ХС}}$$

8. Асосий воситаларининг ўсиш коэффициенти:

$$KAB\ddot{y} = \frac{ABDK}{AB\dot{y}BK}$$

$KAB\ddot{y}$ - асосий воситаларнинг ўсиш коэффициенти

$ABDK$ - асосий воситаларнинг дастлабки қиймати.

$AB\dot{y}BK$ - асосий воситаларнинг йил бошидаги қиймати.

11. Фонд қайтими:

$$\Phi_K = \frac{CM}{\Phi_{\text{қий.}}}$$

12. Фонд сифими:

$$\Phi_c = \frac{\Phi_{\text{қий.}}}{CM}$$

CM – соф маҳсулот

$\Phi_{\text{қий.}}$ – фонд қиймати

Ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишнинг самарадорлиги омиллари қуйидагилар:

1. Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги.
2. Асосий воситалар билан таъминланиш.
3. Асосий воситалар структураси.
4. Асосий ва моддий айланма воситалари ўртасидаги нисбат.
5. Меҳнатни ташкил қилиш, технология.
6. Илғор технологиядан фойдаланиш.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда Самарқанд туман фермер хўжаликлариднинг фонд билан таъминланиши ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланишининг ўзгариши таҳлили 2.3-жадвалда кўрстиб ўтилган.

2.3 - жадвал

Фонд билан таъминланиш ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланиши

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
					(+,-)	(%)
1.	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млн.сўм	30800	33139	34042,8	3242,8	110,5
2.	Қ/х яроқли ерлар майдони, га	15915	15841	15826,0	-89,0	99,4
3.	Фермер хўжаликлари аъзолари сони, киши	33200	33278	33315	115,0	100,3
4.	Ялпи маҳсулот қиймати, млн. сўм	110169	170696	204566,0	94397,0	185,7
5.	1 га қ/х яроқли ерга тўғри келадиган АФ қиймати, минг сўм	1979	2132	2151,1	172,1	108,7
6.	Ўртача 1 ходимга тўғри келадиган АФ қиймати, минг сўм	928	996	1021,8	93,8	110,1
7.	Фонд сиғими, минг сўм	0,28	0,19	0,2	-0,1	59,4
8.	Фонд қайтими, минг сўм	3,58	5,15	6,0	2,4	167,8

***Манба:** Самарқанд туман фермер хўжаликларининг 2010-2012 йилги маълумотлари.

Фермер хўжаликларнинг фонд билан таъминланиши ва меҳнат билан куролланиши 2012 йил 2010 йилга нисбатан 1 гектар қишлоқ хўжалик яроқли ерга тўғри келадиган асосий фондларнинг қиймати 172,1 минг сўм ёки 108,7 фоизга, ўртача 1 ходимга тўғри келадиган асосий фондларнинг қиймати 93,8 минг сўм ёки 110,1 фоизга ошган.

Фермер хўжаликларида фонд сиғимининг камайиши бу ижобийдир. Чунки, минг сўмлик ялпи маҳсулот қийматига тўғри келадиган асосий фондлар қийматининг камайиши асосий воситалардан самарали фойдаланганлигини кўришимиз мумкин.

2.3. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАР ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Президентмиз И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида белгилаб берилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар стратегияси мамлакатнинг давлат мустақиллигининг устуворлигини, иқтисодий, ижтимоий, молиявий ва озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашни, мамлакатимиз иқтисодий тузилишини дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодий тузилишига яқинлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун табиий-иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланишни назарда тутди.

Жумладан, ишлаб чиқариш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади махсулот сифати ва самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, реструктуризациялашга қаратилган тадбирлар мажмуасидан иборат. Шу боисдан бугунги янгиланиш, маънавий юксалиш даврида ҳар томонлама фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллаштириш, барпо этилган ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, бошқарув системасини, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда шу асосда халқнинг фаровонлиги янада юксалтириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслардан самарали фойдаланишда, аввало, ишчининг унумсиз ишлашига йўл қўймаслик, замонавий технологияларни жорий этиш, иш ва ижтимоий шароитларни яхшилаш, иш ҳақини ўз вақтида таъминлаш, моддий ва маънавий қизиқувчанлигини ошириш ва ҳар бир ишловчини пировард натижада боғлаган ҳолда фикрини ўзгартириш, мусобақа ва рағбатлантиришни яхши йўлга қўйишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркаклар - 16 дан 60 ёшгача, аёллар - 16 дан 54 ёшгача, шунингдек қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига

1. Доимий;
2. Мавсумий;
3. Вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи;
4. Ўсмирлар;
5. Нафақахўрлар кирадилар.

Шу жумладан:

1. Доимий ишчиларга - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;
2. Мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;
3. Вақтинчалик ишчиларга - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киритилади.

Фермер хўжаликлари оилавий хўжаликлар бўлганлиги сабабли, уларда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти оила аъзолари ҳисобланади. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фермер хўжаликлари бошлиғи 18 ёшга тўлган, тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомаларга лоёқатли, мазкур хўжалик аъзоларидан бири бўлиши мумкин. Хўжалик фаолиятини юритишда фермер қўшимча иш кучини жалб этиб, шартнома асосида ишлайдиган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан, пул ва натура шаклида амалга оширилади. Шу билан бирга, ёлланма ишчилар фермер хўжалиги розилиги билан пул ёки бошқа ҳил улушни киритишга ҳам қўшимча улишига муносибравишда хўжалик даромади (фойда) тақсимотида қатнашиши мумкин.

Самарқанд тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш 2-жадвалда кўрсатилиб ўтилган.

2.4-жадвал

Самарқанд тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси, киши.

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
					(+/-)	(%)
1.	Мавжуд аҳоли сони	285106	291205	297654	12548	104,4
2.	Меҳнатга лаёқатли аҳоли	145754	146918	148145	2391	101,6
3.	Банд аҳоли	127835	128277	133566	5731	104,5
4.	Фермер хўжаликлари аъзолари	33200	33278	33315	115	100,3
5.	Ш.ж.: хотин-қизлар	15780	15814	16687	907	105,7
6	Доимий ишчилар	29876	29904	29756	-120	99,6
7	Ёлланма ишчилар	3324	3374	3559	235	107,1
8	Раҳбар ходимлар	1853	1818	1787	-66	96,4
9	Фермер хўжаликлари сони	478	458	463	-15	96,9

*Манба: Самарқанд туман фермер хўжаликларининг 2010-2012 йилги маълумотлари.

2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд тумани худудида яшовчи мавжуд аҳоли сони 2012 йилда 297654 кишини ташкил қилган бўлса, меҳнатга лаёқатли аҳоли 148145 кишини, банд аҳоли сони 133566 кишини ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан мавжуд аҳоли сони 12548 кишига ёки 104,4 фоизга, меҳнатга лаёқатли аҳоли 2391 кишига ёки 101,6 фоизга, банд аҳоли сони эса 5731 кишига ёки 104.5 фоизга ошган.

Фермер хўжаликларида ишлаётган доимий ва ёлланма ишчи-ҳодимлар сони 2012 йилда 33315 кишини ташкил қилган бўлса, шундан хотин-қизлар 16687 кишини, доимий ишчилар 29756 кишини, ёлланма ишчилар 3559 кишини, раҳбар ҳодимлар эса 1787 кишини ташкил қилган. 2010 йилга нисбатан бу кўрсаткичлар, яъни фермер хўжаликлари аъзолари 115 кишига ёки 100,3 фоизга, хотин-қизлар 907 кишига ёки 105,7 фоизга, ёлланма ишчилар 235 кишига ёки 107,1 фоизга ошган бўлса, доимий ишчилар - 120 кишига ёки 0,4 фоизга, раҳбар ҳодимлар -15 кишига ёки 3,1 фоизга камайган.

3. ТУМАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. ТАНАРХ ТУШУНЧАСИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Қишлоқ хўжалик корхоналарида таннарх иқтисодий кўрсаткичларнинг бири сифатида хўжаликлар иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида, бир томондан, жонли меҳнат, иккинчи томондан буюмлашган меҳнат сарфланади. У ёки бу ердаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлаб биргаликда ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Маълумки, ҳар қандай товар киймати уч қисмдан биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари киймати (ИВ), иккинчидан, зарурий меҳнат сарфи натижасида яратилган зарурий маҳсулот киймати (ЗМ), учинчидан, жамият учун сарфланган меҳнат натижасида ҳосил қилинган маҳсулот ёки соф даромад (СД)дан иборат. Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари доимо маҳсулот таннархи миқдоридан ортиқ бўлади. Чунки маҳсулот таннархи маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган барча жонли меҳнатни узида ифодаламасдан, фақат унинг бир қисмини, яъни зарурий меҳнат сарфини олади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда жамият учун сарфланган жонли меҳнат киймати маҳсулот таннархи таркибига кирмайди. Демак, корхонанинг маҳсулот таннархи уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ишлаб чиқариш воситалари ҳамда меҳнат ҳақи сарфининг пулдаги ифода этилишидир. У ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг корхонага қанчага тушганлигини кўрсатади, Корхона таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун сарфланган харажатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Маҳсулот таннархи корхонанинг хўжалик фаолиятини узида тўла акс этувчи асосий кўрсаткичдир. Маҳсулот таннархи узида корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада тахминланганлиги ва ундан

фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллашуви даражаси ва меҳнат унумдорлигини усиш ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнига раҳбарлик қилиш самарадорлиги, ишлаб чиқариш рентабеллиги ва самарадорлиги ҳолатини тўла акс эттиради. Маҳсулот таннархи ёрдамида моддий, меҳнат ва пул харажатларидан қай даражада фойдаланилаётганлигини тақлил қилиш имконияти яратилади,

Бир турдаги маҳсулотни етиштириш учун сарфланадиган харажатлар қулами турли хўжаликларда ҳар хил бўлиб, бу уз навбатида маҳсулот таннархининг ҳар хил бўлишига олиб келади.

Маҳсулот бирлиги таннархидан ташқари айрим ишларнинг (трактор, автотранспорт, ишчи хайвон ва бошқалар), шу жумладан айрим ва шартли гектар ер, т/км, квт электр энергия, бир бош хайвонга ва бошқа таннархларни аниқлашга ҳам зарурият тугилади.

Харажатларнинг шаклланиш этапларига қараб, таннархнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлади:

- 1.Технологик
- 2.Ишлаб чиқариш
- 3.Коммерция ёки тўла таннарх

1. Технологик таннархи, маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган, шунингдек, булимларда бригада, ферма ва цехларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар киради.

2.Ишлаб чиқариш таннархи технологик таннархларнинг йигиндисини ва қорхонани бошқариш билан боғлиқ умумхўжалик харажатлари йигиндисини ифода қилади.

3.Коммерция ёки тўла таннарх ишлаб чиқариш харажатларининг жамиси ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган, муомала харажатларининг йигиндисини ифода қилади ва товар маҳсулотлар бўйича ҳисобланади.

Харажатларни ҳисоблаш хусусиятига қараб қуйидагича таннарх турлари аниқланади:

1.Режа таннархи.

2.Дастлабки, вақтинчалик ва тахминий таннарх

3.Хақиқий таннарх

1.Режа таннархи, бу корхона режалаштираётган даврдаги маҳсулот бирлигига сарфланиши лозим бўлган меъёрий харажатлар йигиндисини ифодалайди.

2.Вақтинчалик ёки тахминий таннарх эса 9 ойлик хақиқий харажатлар ва 4-кварталдаги режа харажатлари асосида белгиланади.

3.Хақиқий таннарх эса йил охирида корхона хўжалик фаолиятини якун қилишда йиллик ҳисобатлар асосида ҳисобланади. У олинган ялпи маҳсулот учун сарфланган хақиқий харажатлар асосида аниқланади.

Корхонанинг маҳсулот олиш учун сарфланган ҳамма ишлаб чиқариш харажатлари йигиндиси ялпи маҳсулот таннархини ифодалайди ва қуйидагича ҳисобланади:

$ЯМТ = И/Ч.X$ ёки

$ЯМТ = МХ + ЕТ + А + Мат.Хар$

Маҳсулот бирилигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатларини ялпи маҳсулот миқдориغا нисбати билан топилади

$$T = \frac{И/чX}{ЯМ} \quad \text{ёки} \quad T = \frac{МХ + Ет + А + Мат Хар}{ЯМ}$$

1999 йил 5 февралда Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги тахрирда қабул қилинган «Маҳсулотлар(ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисида Низом» асосида барча харажатлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

I.Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар;

II. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар;

а) сотиш харажатлари;

б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

III. Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

в) қимматли қозғаларга қуйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

IV. Фавқулодда зарарлар. Улар даромад(фойда)дан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалигида алоҳида маҳсулот турлари бўйича таннархни ҳисоблашда аввало асосий, туташ ёки қўшимча ва ёрдамчи маҳсулотларнинг турлари бўйича миқдори аниқланади. Аммо ҳар бир маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг ўлчамини алоҳида ташкил қилиб бўлмайди. Шунинг учун барча турдаги маҳсулотлар ўртасида ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Харажатларни бевосита маҳсулот турларига олиб бориш;

2. Алоҳида қишлоқ хўжалиги экинлари турлари маҳсулотлари бўйича, ҳайвонлар маҳсулотлари турлари учун умумий бўлган белгилари бўйича харажатлар олинмайдиган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгилардан бирининг миқдори аҳамиятига пропорционал тақсимланади;

3.Алоҳида турдаги маҳсулотларни олишга кетган харажатларни эксперт йули билан баҳолаш ва уларни маълум бир курсаткичларда акс этдириш;

4.Маълум бир экин(моллар гуруҳи, тури)дан олинадиган маҳсулот тури бўйича харажатларни, марказлашган тартибда урнатиладиган иқтисодий жихатдан асосланган коэффицентларни куллаш ёрдамида, центнер-коэффицент ва бошқа шартли бирликларнинг микдорига пропорционал тақсимланади. Уларни аниқлашда маҳсулот турларидан бирининг бирлигига тўғри келган харажат бир деб қабул қилинади, бошқа маҳсулотлар бирлигига қилинган харажатлар шу бирликка нисбатан олиниб коэффицент қурунишда ифодаланади;

5.Харажатлар маҳсулотни сотиш баҳоси бўйича баҳолагандаги маҳсулот қийматига пропорционал тақсимланади.

Ҳар бир хўжалик бозор иқтисодиёти шароитида юритувчи субъектнинг асосий мақсади ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда экологик жихатдан тоза, сифатли ва арзонроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариб юқори даражада фойда олишдир.

3.2. САБЗАВОТЧИЛИҚДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида экологик жиҳатдан тоза, сифатли ва арзонроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариб юқори даражада фойда олишдир. Самарқанд тумани фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини 3.1–жадвал маълумотларини таҳлил этиш натижаларидан кўришимиз лозим.

3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд тумани фермер хўжаликларида 2012 йилда ялпи маҳсулот қиймати 204566 млн. сўмни, жами харажатлар 159929 млн. сўмни, натижада фойда 44637 млн. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткичларни 2010 йилга нисбатан солиштирадиган бўлсак ялпи маҳсулот қиймати 94915 млн сўмга ёки 186,6 фоизга, жами харажатлар 73117 млн сўмга ёки 184,2 фоизга ошган. Ушбу харажатнинг 184,2 фоизга ошиши албатта фойданинг ошишига салбий таъсир қилади. Натижада, фойда 2012 йил 2010 йилга нисбатан 21797,4 млн сўмга ёки 195,4 фоизга ошган.

Ўртача 1 фермер хўжалиги ҳисобига 2012 йилда тўғри келадиган экин майдони 34,2 гектарни, ялпи маҳсулот қиймати 441,8 млн. сўмни, жами харажат 345,4 млн. сўмни, фойда 96,4 млн сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар 2010 йилга нисбатан экин майдони 1,6 гектарга ёки 104,9 фоизга, ялпи маҳсулот қиймати 212,4 млн. сўмга ёки 192,6 фоизга, жами харажат 163,8 млн. сўмга ёки 190,2 фоизга, фойда эса 48,6 млн. сўмга ёки 201,7 фоизга ошган.

Натижада, туман фермер хўжаликларида рентабеллик даражаси 2010 йилда 26,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 27,9 фоизни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан рентабеллик кўрсаткичи 1,6 пунктга ошган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ва маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

3.1-жадвал

Самарқанд тумани фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						(+,-)	%
1.	Фермер хўжаликлари сони	дона	478	458	463	-15	96,9
2.	Ер майдони	га	15915	15841	15826	-89	99,4
3.	Меҳнат ресурслари	киши	33200	33278	33315	115	100,3
4.	Асосий фондлар қиймати	млн сўм	30800	33139	34042,8	3242,8	110,5
5.	Ялпи маҳсулот қиймати	млн сўм	109651	170167	204566	94915	186,6
-	Шундан :Ўсимчиликда	млн сўм	37180	45177	82521	45341	221,9
-	Чорвачиликда	млн сўм	72471	124990	122045	49574	168,4
6.	Жами харажат	млн сўм	86812	133638	159929	73117	184,2
-	Шундан :Ўсимчиликда	млн сўм	27606	33171	61122	33516	221,4
-	Чорвачиликда	млн сўм	59206	100467	98807	39601	166,9
7.	Фойда	млн сўм	22839,6	36529	44637	21797,4	195,4
-	Шундан :Ўсимчиликда	млн сўм	9574	12006	21399	11825	223,5
-	Чорвачиликда	млн сўм	13265,6	24523	23238	9972,4	175,2
8.	Ўртача 1 фермер хўжалиги ҳисобига						
-	Экин майдон	га	32,6	33,9	34,2	1,6	104,9
-	Ялпи маҳсулот қиймати	млн сўм	229,4	371,5	441,8	212,4	192,6
-	Жами харажат	млн сўм	181,6	291,8	345,4	163,8	190,2
-	Фойда	млн сўм	47,8	79,8	96,4	48,6	201,7
9.	Рентабеллик (+), зарарлилик (-) даражаси	%	26,3	27,3	27,9	1,6 пунктга ошган	

*Манба: Самарқанд туман фермер хўжаликларининг 2010-2012 йилги маълумотлари.

Шунинг учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳажми динамикасини ҳамда ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархи даражасини, таркиби ва структурасини узлуксиз равишда таҳлил этиб туриш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки таҳлил этиш жараёнида харажатларни камайтириш имкониятлари аниқланади, қандай омиллар ва шароитлар ҳисобига камайтириш имкониятлари топилади, натижада улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш маълум миқдорда харажатлар билан боғлиқдир. Маҳсулот таннархини ташкил қилувчи бу харажатлар ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом-ашё ва материаллар, ёқилғи, уруғлик, ем-хашак сарфи, асосий воситалардан иборат меҳнат ресурслари ва бошқа сарфлардан харажатлар таркиби ишлаб чиқариш характери ва шарт-шароитлари, моддий ва меҳнат сарфлари нисбати ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Таннарх таркибидаги ҳар бир моддада ўз аксини топган харажатлар ҳажмининг ўзгариши ҳам экстенсив ва интенсив омиллар ҳисобига содир бўлади. Бу омилларни миқдорий ва сифатий (қиймат) омиллари деб аташ мумкин. Шу икки омил купайтмасининг йиғиндиси ҳар бир моддадаги харажатлар ҳажми (суммаси)га тенг бўлади. Демак, омиллар таъсирининг йиғиндиси ҳар бир моддадаги харажатлар ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг бўлиши шарт. Масалан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган сарфлар моддасини олайлик. Шу модда бўйича курсатилган ҳисобот йилидаги суммани базис йилидаги харажатлар қийматига солиштириб, ўзгариши аниқланади. Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил ҳисобига юзага келади:

- 1 ц. маҳсулот учун сарфланган киши/соатлар миқдорининг ўзгариши ҳисобига;
- 1 киши/соатга тўғри келадиган иш ҳақи даражасининг ўзгариши ҳисобига.

Маълумотлар асосида фермер хўжалиги сабзавотчиликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари билан танишамиз (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Самарқанд тумани фермер хўжаликларининг сабзавотчиликдаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
						Микдорий, +/-	Нисбий, %
1.	Ер майдони	га	2482	5585	3255	773	131,1
2.	Ҳосилдорлик	ц/га	296,8	145,2	393,8	97	132,7
3.	Ялпи ҳосил	тонна	73665,8	81094,2	128182	54516,2	174,0
4.	Жами даромад	млн сўм	13261	20278	35890	22629	270,6
5.	Жами харажатлар	млн сўм	9504	14600	25841	16337	271,9
6.	Ялпи фойда	млн сўм	3757	5678	10049	6292	267,5
7.	1 га ер ҳисобига						
-	Даромад	минг сўм	5 342,9	3 630,8	11 026,1	5683,2	206,4
-	Харажат	минг сўм	3 829,2	2 614,1	7 938,9	4109,7	207,3
-	Фойда	минг сўм	1 513,7	1 016,7	3 087,3	1573,6	204,0
8.	Рентабеллик даражаси	%	39,5	38,9	38,9	-0,6 пунктга камайган	

Манба: Самарқанд тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

3.2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Самарқанд тумани фермер хўжаликлари таҳлил даврида 3255 га ер майдонида сабзавот маҳсулотлари етиштирилган бўлиб, ҳосилдорлик 2010 йилда 296,8 ц/га, 2011 йилда 393,8 ц/га ташкил этган ҳолда 97 ц/га ёки 132,7 фоизга ўсиш кузатишган. Ялпи етиштирилган маҳсулот 2012 йилда 128182 тонна ташкил қилган. Туман фермер хўжаликлари сабзавотчиликдан 2012 йилда 35890 млн сўм даромад қилишган ва 10049 млн сўмлик фойдага эришишган, натижада сабзавотчилик рентабеллиги 38,9 фоизни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан - 0,6 пунктга камайган.

Туман фермер хўжаликларида 2012 йилда ўртача кўрсаткичларда ҳам ўзгариш кузатилиб, жумладан 1 га ерга қилинган ўртача сарфлар 7938,9 минг

сўм бўлиб, олинган ўртача даромад 11026,1 минг сўмни ташкил этган ва фойда 3087,3 минг сўм бўлган. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 1573,6 минг сўм ёки 2,04 мартага ошган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқаришга қилинган сарфларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади. Самарқанд тумани фермер хўжаликларида сабзавотчиликда таннарх ошгани кузатилди (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

Самарқанд тумани фермер хўжаликларининг сабзавотчиликдаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						Мутлоқ, +/-	Нисбий, %
1.	Жами маҳсулот	тонна	73665,8	81094,2	128182	54516,2	174,0
2.	Жами харажат	млн сўм	9504	14600	25841	16337	271,9
3.	Жами даромад	млн сўм	13261	20278	35890	22629	270,6
4.	Ялпи фойда	млн сўм	3757	5678	10049	6292	267,5
5.	1 ц маҳсулот ҳисобига						
-	таннархи	Минг сўм	12,9	18,0	20,2	7,3	156,3
-	сотиш баҳоси	Минг сўм	18,0	25,0	29,0	11,0	155,5
-	сотишдан фойда	Минг сўм	5,1	7,0	7,8	2,7	153,7

***Манба:** Самарқанд тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

3.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд тумани фермер хўжаликлари сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда маҳсулот миқдори 2012 йилда 128182 тонна бўлиб, 2010 йилга нисбатан 54516,2 тонна ёки 174,0 фоизга ошган. Ҳудудда 1 центнер сабзавот ишлаб чиқариш таннархи 2010-2012 йилларда 12,9-20,2 минг сўм атрофида бўлиб, даромад 11,0 минг сўмга ёки 155,5 фоизга, фойда 2,7 минг сўмга ёки 153,7 фоизга ошган.

3.3. САБЗАВОТЧИЛИКДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ

Маҳсулот етиштириш учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг пул шаклида ифодаланиши таннарх деб аталади. Таннарх ўз навбатида жами маҳсулот таннархи, маҳсулот бирлиги таннархи ва 1 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган харажатлар кўрсаткичларига бўлинади. Ушбу кўрсаткичлардан биринчисини таҳлил этиш тартиби юқорида баён қилинди. Энди бир бирлик маҳсулот таннархини кўриб чиқамиз.

Маҳсулот бирлигининг таннархини таҳлилини амалга ошириш учун солиштириш ва занжирли алмаштириш усулларида фойдаланамиз.

Ҳисобот давридаги бир бирлик маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини базис давридаги (ёки режалаштирилган) таннархига солиштириб, мутлоқ ва нисбий ўзгаришлари аниқланади. Сўнгра «занжирли алмаштириш» усули орқали омилли таҳлил этилиб, омилларнинг ижобий ва салбий доиралари аниқланиб, таннархни пасайтириш имкониятлари кўрсатилади.

1 тонна маҳсулот таннархининг ўзгариши бевосита экстенсив ва интенсив омиллар таъсири остида содир бўлади. Бу омиллар қуйидагилардир:

1. 1 гектар экин майдони ҳисобига қилинган ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгариши.
2. 1 гектар экин майдонидан олинган ҳосил миқдорининг (яъни ҳосилдорлик даражасининг) ўзгариши.

Таннархнинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаганга қадар 1ц маҳсулотнинг шартли таннархини аниқлаб олиш зарур. Шартли таннархни ($Z_{ш}$) аниқлаш учун ҳисобот давридаги (йилидаги) 1 гектар экин майдони ҳисобига қилинган харажатлар ҳажмини ($ИХ_1$) базис давридаги (йилидаги) ҳосилдорлик даражасига ($Х_0$) бўлиш керак.

$$Z_{\text{ш}} = \frac{ИХ_1}{Х_0}$$

1 гектар экин майдони ҳисобига қилинган харажатларни ҳажмини аниқлаш учун у ёки бу экин тури учун қилинган жами харажатлар ҳажмини жами экин майдонига бўлиш керак.

Шартли таннарх аниқлангандан кейин таннархнинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, қуйидаги тартибда аниқлаш керак.

1 ц маҳсулот таннархининг ўзгаришига экстенсив омилнинг, яъни 1 га экин майдони ҳисобига қилинган харажат ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 ц маҳсулотнинг шартли таннархидан унинг базис давридаги таннархини чегириш керак.

1 ц маҳсулот таннархининг ўзгаришига интенсив омилнинг, яъни ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 тонна маҳсулотнинг ҳисобот йилидаги таннархидан шартли таннархни чегириш керак (3.4-жадвал).

3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд тумани фермер хўжаликларида 2012 йилда 1 ц сабзавотнинг таннархи 20,2 минг сўмни ташкил этган ва 2010 йилга нисбатан 7,3 минг сўмга ошган ва бу ўзгариш 1 га ерга қиланган харажатнинг 4109,7 минг сўмга ошгани таннархнинг 13,8 минг сўмга ошишига сабаб бўлган бўлса, ҳосилдорликнинг 97 центнерга ошиши таннархни 6,5 минг сўмга камайишига сабаб бўлган.

3.4-жадвал

Самарқанд тумани фермер хўжаликларида сабзавот таннархининг омилли таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2012 йилдаги 1 га ер харажати ва 2010 йилдаги ҳосилдорлик бўйича	2012 йил	Ўзгариши, (+/-)	Ш.ж.	
						1 гектар ер харажати ҳисобига	ҳосилдорлик ҳисобига
1.	1 гектар экин майдони ҳисобига қилинган харажат, минг сўм	3829,2	7938,9	7938,9	4109,7	х	х
2.	1 га экин майдонидан олинган ҳосил, ц/га	296,8	296,8	393,8	97	х	х
3.	1 ц сабзавот таннархи, минг сўм	12,9	26,7	20,2	7,3	13,8	-6,5

Манба: Самарқанд тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

4. САБЗАВОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАННАРХНИ ПАСАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

4.1.САБЗАВОТЧИЛИҚДА МАҲСУЛОТ МИҚДОРИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Кузги-қишки муддатда мамлакатимиз иқлими қуёшли бўлганлиги боис очик майдон сабзавотчилиги кенг тарқалган. Ушбу майдонларга сабзавотлар кўчат қилиб ўтказилади. Унинг бир неча афзалликлари мавжуд. Биринчидан, даладаги ўсимликлардан бир ой илгарироқ экиш, ҳосилнинг барвақт етказиш имконини беради, иккинчидан, кўчат эвазига иссиқсевар помидор каби экинни мўътадил иқлимда ҳам ўстириш мумкин. Учинчидан уруғ тежалади, ягоналаш ва бегона ўтларга қарши курашиш осонлашади.

Кўчат тайёрлаш асосан парник шароитида етиштирилади. Бунда икки қисм яхши чириган гўнг ёки чиринди ҳамда бир қисм даланинг унумдор тупроғи аралаштирилиб серунум тупроқ тайёрланади. Парникларга 10-12 см калинликда тупроқ солинади. Плёнкали иссиқхоналарда эса тупроқ 50 % чиринди, 40 % дала тупроғи ва 10 % ёғоч чириндиси қўшиб тайёрланади. Яна хар 1 м² тупроққа 300 гр аммиак селитраси, 400 гр кўш суперфосфат ва 400 гр калий сульфати қўшилади. Уруғ сепишдан олдин енгил бостириб суғорилади. Уруғлар сифатига қараб саралаб олингач, 1 кун давомида 25-35 °С да қиздирилади ёки уруғга 80% ли ТМТД 6-8 гр ёки фентиурам 3-4 гр ҳисобида дориланади.

Сабзавотларни парникга экиш муддатлари эртанги қарам уруғи 20-декабрдан -10 январгача; ўртангиси март ойи охирларида; эртанги томат февралнинг бошларида; кечки томат, қалампир, бойимжон февралнинг иккинчи ярми ва мартнинг бошларида экилади. Қарам ва томат уруғлари 1 га майдон учун етарли кучат олиш учун 350-400 гр ; бойимжон 600 гр ва қалампир уруғлари 800-1000 гр миқдорида экилади. Уруғлар йириклигига қараб 0.5 ва 1.0 см чуқурликда экилади.

Ривожланган мамлакатларда экиш нормасида гектарига сарфланадиган уруғ сони кўрсатилади. Уруғлар қадалгач орадан қиш-баҳорда 50-60 кун, ёзда 30-35 кун ўтгач, кўчатлар 4-7 чинбарг чиқарганда далага ўтказилади.

Далага ўтқазилган олдин ерларни экишга тайёрлашда алмашлаб экишга катта аҳамият берилди.

Сабзавотчиликда алмашлаб экишнинг учта тури: дала, ем-хашак ёки ферма атрофидаги ва махсус алмашлаб экишлар мавжуд. Дала алмашлаб экишлари техника ва донли экинларга мўлжалланган бўлиб, улар салмоғи навбатлашувда 50-70 % ни ташкил этади. Масалан, ғалла экинлари, пахта, тамаки, нухат.

Алмашлаб экиш схемаси турли хўжаликларда ишлаб чиқариш дастуридан келиб чиқиб жорий этилади. Схемага кирган далаларда ўстириладиган сабзавот экинларининг ассортименти шу тармоқда кўзда тутилган мақсадларга, яъни, эртаги сабзавот ёки узоқ муддат сақланадиган ва саноатда қайта ишланадиган сабзавот етиштиришга боғлиқ бўлади. Сабзавот алмашлаб экишда учинчи далага ўртаги сабзавотлар: помидор, бодринг экилади. Экиладиган помидорни картошка, калампир, бойимжон, тамаки, шунингдек ғўза экинидан сўнг экмаслик лозим, чунки помидорда ўсимликларида учрайдиган касаллик зараркунандаларига чалинади. Чунки помидор ҳам ғўза сингари кўсак қурти билан зарарланади. Бир далада помидорни икки йил ўстириб, орадан уч йил ўтгандан кейингина яна шу далага экиш мақсадга мувофиқдир.

Ем-хашак алмашлаб экишлари чорвачилик фермалари атрофида жойлашган бўлиб, мақсад чорвани узлуксиз арзон озуқа билан таъминлашдир. Шунингдек сабзавот чиқиндилари ҳам яхши чорва озукаси ҳисобланади. Махсус алмашлаб экишларда сабзавот, полиз, картошка каби экинларни экишга асосланган. Умуман алмашлаб экиш муайян хўжалик тупрок-иқлим шароити, сув билан таъминланиш даражаси, маҳсулот етиштириш шартномаси, ихтисослашуви ва иқтисодий самарадорлигига боғлиқ. Кечки ғалла экинларини ёзда йиғиштириб олинган улар ўрнига сабзавотлар экиш ҳам ғалла учун яхши ўтмишдош ҳисобланади ва бунда кеч кузда қўшимча сабзавот олишимиз мумкин. Бунда кўчат ва бошқа харажатлар кескин камаяди.

Сабзавотлар ҳосилдорлигини ошириш кўп жihatдан уларнинг уруғ навларига боғлиқ. Чунки бу навлар жуда кўп хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, помидор навлари бир-биридан морфологик, биологик ва хўжалик аҳамиятига эга белги ва хусусиятлари билан фарқ қилади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар: ўсув даврининг узунлиги - шу белгисига кўра помидорда навлари тезпишар(биринчи ҳосилгача 48-53 кун), ўртапишар (60-65 кун) ва кеч пишар (68-72 кун) навларга бўлишади; пояси, барги, меvasининг йириклиги, меvasининг шакли, меvasининг сирти, меvasининг ранги, меvasининг камераларга бўлишганлиги, меваларнинг мазалилиги ва узок масофага ташишга яроқлилигидир.

Бодринг морфологик белгилари ҳамда шаклланиш жараёнида таъсир кўрсатган экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда етти та кенжа турга бўлинади. Шулардан қуйидаги турлар асосий ҳисобланади: Хитой, Ёарбий Осиё ва Европа-Осиё бодринглари ҳисобланади.

Карамнинг навлари бир-биридан морфологик белгилари хўжалик-биологик хусусиятлари билан фарқланади. Унинг энг муҳим белгилари қуйидагилар:

- ташқи ўзакнинг узунлиги: агар ўзак 16 см гача - калта, 16-20 см ўртача, 20 см дан ортик бўлса – узун дейилади;
- тупбарг йириклиги ва унинг ер бетига нисбатан жойлашиши;
- тупбаргдаги барг шакли, йириклиги, ранги ва мум ғуборининг мавжудлиги;
- карамбошнинг шакли, йириклиги, қаттиқлиги ҳамда ички ўзак узунлиги;
- карам бошининг тайёр бўлиши (пишиши) - кучат ўтқазилгач, 2 - 2,5 ойда пишса, тезпишар, 2,5 - 3 ойда пишса ўртапишар, 3-4 ойда пишса кечпишар навлар дейилади.
- карамбошнинг сақланувчанлиги – муҳим биологик ва хўжалик белги бўлиб, бошнинг ёрилмаслиги, мазаси, ва узок муддат сақланиши билан аниқланади. Карамбоши зич ўрайдиган навлари узок сақланади.

Пиёз навлари бир-биридан бир қатор морфологик белгилари ва биологик хусусиятларига кўра фарқ қилади. Улардан муҳимлари: баргининг сони, йириклиги, ранги ва уларда мум ғубор мавжудлигидир

Пиёзнинг шакли, кўп уялилиги, бошланғич муртаклилиги - бошланғич муртаклар сони 1-2 та бўлса кам, 2-3 та ўртача ва 3 дан ортиқ бўлса кўп дейилади;

пиёзбошнинг йириклиги: 60 г гача – майда, 60 -120 г ўртача ва 120 граммдан ортиқ бўлса йирик бўлади;

бош пиёзнинг этли ва қопловчи қобикларининг ранги оқ, сарик, жигар ранг бинафша;

пиёзининг зичлиги ва мазасига кўра чучук, ярим аччиқ ва аччиқ бўлишидир;

ҳаётининг иккинчи йилида шохлашиши кўра: кам шохлайдиган(1-3 гулпояли) ўртача шохлайдиган(3-5 гулпояли) ва кўп шохлайдиган (5 гулпоядан ортиқ) бўлади;

Гулпоясининг буйи: паст(50 см гача), ўртача (50-100 см) ва баланд (100 см дан ортиқ) бўлади.

Саримсоқ пиёзбош экинлар жумласига кириб, унинг эртапишар, кечпишар ва тезпишар навлари мавжуд. Эртапишар навлари бошининг ичида 7-10 та палла, кечпишариникида 8-10 та палла ва тезпишариникида эса 5-10 та палла бўлади. Барчасининг ранги бинафшага ўхшашдир.

Қуйида юқорида қайд қилинган сабзавот экинларининг Самарқанд вилояти фермер ва деҳқон хўжаликларида экиладиган уруғлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ҳозир Республикамизда томатнинг Талалихин-186, Темно-красный-2077, Восток-36, Юсуповский, Волгоградский 5-95 каби очиқ майдон учун экиладиган навлари, қалампирнинг Болгарский-79;89, Дар Ташкента, бойимжонннинг Аврора, Ереванский, оқбош карамнинг Саратони, Наврўз, Галакси каби навлари, пиёзнинг эса Каратальский, Пешпазак, Испанский-313

4.1-жадвал**Самарқанд вилоятида экиладиган асосий сабзавот экинлари уруғлари**

Сабзавот турлари	Асосий навлар
Томат	Волгоградский-5/95, Подарок 105, Прогрессивный, Премого-165
Бодринг	Узбекский 740, Ранний 645, Конкурент, Ҳосилдор
Карам	Грибовская 147, Июньская ранняя, Ташкентская10,
Оқбош пиёз	Караталский, Испанский, Пешпазак, Самаркандский красный
Саримсоқ	Майский, Южно- фиолетовый, иранский.

***Манба:** Ҳасанов Ш.Т. Сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш. Диссертация. -Самарқанд, 2006.

каби навлари экилади. Албатта ҳар бир сабзавот турининг ўстириш технологияси ўзига хос хусусиятга ҳам эга. Самарқанд вилоятидаги ширкат хўжаликларининг асосий қисмида сабзавотнинг томат(помидор) тури кўп экилади. Ўстириш технологияси дастлаб ер танлашда озиқ моддаларга бой, механик таркиби енгил қумлоқ, шўрланмаган ерлар яроқли ҳисобланади. Помидор учун беда, кўкат, полиз экинлари, бодринг, карам яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Маълумки сабзавотларнинг ҳосилдорлиги, айнан шу сабзавот учун ўтмишдош экинлар билан экишнинг жорий қилишга ҳам боғлиқ.

4.2-жадвал**Самарқанд вилояти шароитида сабзавот маҳсулотлари учун тавсия қилинган асосий ўтмишдошлар**

Сабзавот турлари	Асосий ўтмишдошлар
1. Томатдошлар учун	беда, полиз экинлари, пиёз, яшил ўғит сифатидаги сидератлар
2. Карам учун	полиз экинлари, картошка, илдизмевалилар, помидор, беда, яшил ўғит сифатидаги сидератлар, ғалла экинлари
3. Пиёз учун	карам, полиз экинлари, картошка, помидорлар, яшил ўғит сифатидаги сидератлар
4. Бодринг учун	илдизмевалилар, карам, картошка, полиз экинлари, ғалла экинлари.

***Манба:** Ҳасанов Ш.Т. Сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш. Диссертация. -Самарқанд, 2006.

Юқоридаги 4.2-жадвалда келтирилган 4 хил сабзавотлар учун ҳам, ўзаро бир-бирига ўтмишдош бўлиб ҳисобланадиганлари деярли такрорланади. Фақат айримлари, яни бодринг учун сидератлар, ғалла экинлари, бошқа сабзавотлар учун эса бодринг ўзи ўтмишдош ҳисобланмас экан. Сабзавотлар ҳосилдорлигини оширишда ўғитлашнинг роли алоҳида аҳамиятлидир. Ўғитлашда гектарига 20-30 тонна гўнг, 150-200 кг калий хлори 230-250 кг аммофос кузги шудгорлашдан олдин ва ўсув даврида 120-150 кг азот берилади.

Уруғларни экишда нав тозалиги 98 % ва унувчанлиги 85 % дан кам бўлмаган 1 класс уруғлар танланади. 1 гектар учун уруғ сарфи 350-400 гр ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда уруғ навларининг сифатлари берилган бўлиб, унга риоя қилиш ва меъёрга яқинлаштириб нав тозалигига эришиш ҳосилдорликни оширишнинг яна бир муҳим томонидир.

Демак, уруғ таркибидаги аралаш навлар рухсат этилган меъёр саримсоқ ва карам учун кўпроқ бўлиб, пиёз, сабзи ва бодрингга бир хил ва помидор учун деярли аралаш уруғлар бўлмаслиги шартдир.

Сабзавотлар ҳосилдорлигини ошириш, уларни экишнинг агротехник қоидаларига тўлиқ риоя қилишни талаб этади. Ерлар эртанги томатни экишда апрел ўрталарида чиззеллаб, бароналаб, текисланади. Сўнгра кўчат ўтқазиш учун жўяклар олинади. Кўчатлар парникдан олиб ўтқазилганда экиш муддати 10 апрелдан бошлаб то 10 майгача тугатилади. Қатор оралари 70, 90 см туп оралари навига қараб 25-40 см қилиб, гектарига 50-60 мингтагача кўчат ўтқазилади. Ўсимлик мевасини ғўза тунлами(кусак курти) қаттиқ шикастлайди. Шунинг учун уларга карши трихограммалар, захарли емлар кўйилади. Кимёвий усулда гектарига 2-3 кг хлорофос, энтобактерин кўшиб сепилади. Умуман экинни бир меъёрда суғорилиб, тупроқ намлиги сақлаб турилса, кўнғир доғланиш, меванинг учидан чириш касаллиги кескин камаяди. Хозирги пайтда помидор очиқ ва ёпиқ майдонларда вирусли касалликлар билан касалланмокда. Уларга қарши экишолди термик ишланиб,

2 сутка давомида уруғлар 50-52 °C, сунгра 1 сутка 80 °C да термостатда қиздирилади.

Ҳосилни йиғиштириш қўлда ёки машинада амалга оширилади. Бунда энг катта муаммо пишган ҳосилнинг шикстланиши ва маҳсулотнинг тез бузилувчанлигидир. Шунингдек, пишмаган меваларни кеч кузда териб олиб, сақлаб қизартириш усули ҳам қўлланилади. Томатнинг яна бир хусусияти уни такрорий экин сифатида ёзда ғалладан бўшаган майдонларга экилса ҳам яхши ҳосил беради. Бунда юқорида таъкидлаганимиздек қўчат харажатлари 5-6 баравар арзонлашади. Унинг гектаридан 200-300 ц ҳосил олиш мумкин. Кузги ғалладан бўшаган майдонларга тоmatнинг тезпишар Волгоградский-5/95, Темнокрасний- 2077, Новинка Приднестровья каби навлар экилади.

Шунингдек тоmatни қўчатсиз уруғидан ўстириш ҳам мумкин, бунда уруғ харажатлари қисқаради, аммо ҳосилдорлиги деярли фарқ қилмайди. Қийинчилик томони далага уруғидан экилганда дастлаб ривожланиш жуда суст бўлади ҳамда бегона ўтлар ва қатқалоқ қисиб қўйиши мумкин. Шундай бўлсада Самарқанд, Сурхандарё ва Қашкадарёда бундай усул қўлланилмоқда. Сабзавотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, улардан бўшаган майдонларга такрор экиш ҳам катта аҳамиятга эга.

4.3-жадвал

Самарқанд вилояти суғориладиган ерларида икки ҳосил олиш учун экинларни жойлаштириш

Асосий экинлар (биринчи экин)	Такрорий экинлар (иккинчи экин)
Кузги ғалла	-кечки картошка, помидор, кечки карам, сабзи, шолгом, турп, кечки бодринг
Эртаги карам	-кечки картошка, илдизмевалилар, кечки помидор, сабзи
Эртаги сабзи	- картошка, карам, кечки бодринг
Кўкат экинлари (ҳосил йиғиш апрел-май)	- пахта, картошка, полиз экинлари, помидор
Эртаги бодринг (ҳосил йиғиш июн-июл)	- шолғом, турп, эртаги пиёз, макка силос учун

Манба: Ҳасанов Ш.Т. Сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш. Диссертация. -Самарқанд, 2006.

Сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг агротехник шароитлари ва технологик жараёнларнинг самарали амалга оширилиши, пировард натижада улар ҳосилдорлигининг ошиши билан характерланади. Ҳосилдорликни ошириш, маълумки пахта ёки ғалла ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликларга нисбатан айнан сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликларда муҳим ва аҳамиятлидир. Меҳнат тақсимоти амалга оширилганда сабзавот экинлари, уларни истеъмолчилари кўп бўлган жойларга жойлаштириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан аҳоли кўп ва зич жойлашган, яъни шаҳар атрофларига экишни тақозо қилади. Кейинчалик эса нафақат ишлаб чиқариш, балки қайта ишлаб, ярим фабрикат, ҳатто тайёр маҳсулот қилиб сотадиган агрофирмалар каби йирик ишлаб чиқариш тузилмалари барпо қилинади.

Жаҳонда сабзавот ишлаб чиқаришда етакчилик бугунги кунда Хитойга тегишли ҳисобланади (4.4-4.5 - жадваллар).

4.4-жадвал

Жаҳон сабзавот бозорида асосий помидор ишлаб чиқарувчилар (таклиф, млн. тонна ҳисобида)

Тўр	Мамлакатлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Хитой	1711	2235	2718	3017	3257	3367
2.	АҚШ	1002	1157	1239	1287	1131	1151
3.	Туркия	830	890	946	945	987	993
4.	Ҳиндистон	618	744	747	813	937	859
5.	Миср	576	679	678	765	766	755
6.	Италия	598	755	576	769	636	603
7.	Бошқалар	4226	4385	4565	4969	4999	4906
Жаҳон бўйича		9561	10844	11468	12564	12711	12636

*Манба: www.ers.usda.gov сайти маълумотлари

4.5-жадвал**Жаҳон бўйича асосий сабзавот ишлаб чиқарувчилар (млн. тонна
ҳисобида)**

Т\р	Мамлакат	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Хитой	25166	32910	38959	41069	43772	44939
2	Ҳиндистон	6384	7235	7110	8705	7600	7261
3	АҚШ	3438	3845	3759	3801	3672	3811
4	Туркия	2343	2466	2585	2537	2576	2448
5	Россия	1100	1246	1304	1482	1664	1653
6	Миср	1252	1512	1464	1599	1653	1605
7	Бошқалар	24439	25665	26118	28226	28116	27707
Жаҳон бўйича		64121	74880	81299	87420	89054	89423

Манба: www.ers.usda.gov сайти маълумотлари

Бугунги кунда жаҳонда 12,6 млрд тоннадан ортиқ помидор ва 89,4 млрд тоннадан ортиқ сабзавот ишлаб чиқариб келинмоқда.

4.2. САБЗАВОТЧИЛИКДА РЕНТАБЕЛЛИКНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ.

Фермер хўжаликларида сабзаёт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, халқни витаминли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини амалга ошириш агросаноат мажмуаси ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Негаки, кундалик турмушимизни, дастурхонимизни ҳаёт фаолиятимиз учун зарур турли хил сабзаёт маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳукуматимизнинг аграр секторини, жумладан сабзаётчиликни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Сабзаёт етиштиришни кўпайтириш учун Самарқанд туманида ҳам катта резерв ва имкониятлар mavjud. Хусусан, бу ерда тупроқ, иқлим шароити, деҳқончилик учун қулай, фан тавсиялари асо-сида, тажрибакор деҳқонлар меҳнати натижасида вужудга келган бой тажрибалар бор. Ўтган йили вилоятимизда барча категориялардаги сабзаёт маҳсулотларидан 348,3 минг тонна ишлаб чиқилди. Бу мамлакатимизда етиштирилаётган 17 % ини ташкил этади.

Охириги йилларда сабзаётчилик тармоғи асосий маҳсулотларининг рентабеллик даражаси кўпчилик, айниқса шаҳарлар атрофида жойлашган хўжаликларда, бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мос равишда ўзгармоқда. Бу ютуққа одатда эркин ва шартнома баҳоларининг кўтарилиши ҳисобига эришилмоқда.

Аммо кўпчилик фермер хўжаликларда 1 ц сабзаётнинг ўртача тўлиқ таннархи йилдан йилга кўтарилмоқда. Бундай ҳолат асосан меҳнат унумдорлигининг пастлиги, зарарқунанда ва касаллика қарши кураш ҳамда уруғ харажатларининг кўпайиши ҳисобига содир бўлмоқда. Илғор хўжаликлар ва илмий-текшириш институтлари тажриба натижаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, юқори ва сифатли ҳосил олиш ва унинг таннархини пасайтириш учун қуйидаги реал имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга эътибор бериш лозим:

Кўпчилик сабзаётларнинг сувга талабчанлиги, унинг илдиз системасининг тупроқда юза жойлашиши ва кам ривожланганини ҳисобга

олиб, уни ўз вақтида ва белгиланган меъёردа суғоришни ташкил этиш, масалан, бош пиёзни 18-20 марта 500-600 м.куб ҳажмида; саримсоқни 7-10 марта 500-600 м.куб ҳажмида; помидорни 15-16 марта 600-700 м.куб ҳажмида; бодрингни 12-14 марта 550-600 м.куб ҳажмида ва ҳ.к. Қисқа муддатларда суғорилса ҳосилдорлик юқори ва сифатли бўлади;

Сабзавот экинларини табиий ва сунъий унумдорлиги юқори участкаларга жойлаштирилиши лозим; кучли шўрланаган ерларда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади;

Сабзавот экинлари тупрокдан ҳосил билан бирга кўп миқдорда озуқа моддаларини олиб чиқишини ҳисобга олиб, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даврида озуқа моддаларига бўлган талабнинг кескин тафовутини ҳисобга олиб ва ҳ.к. уларни озиқлантириш илмий асосланган миқдорларда ва муддатларда амалга оширилиши зарур;

Сабзавотчиликда минерал ўғитлар билан маҳаллий ўғитлар (чириган гўнг, сидератлар) бирга қўлланилса, уларнинг самарадорлиги юқори бўлади;

Сабзавот экинларининг озиқланишида молибден, марганец, бор, мис, рух, кобальт каби микроэлементлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Улардан фойдаланиш экинлар ҳосилдорлигини 15-20% га оширади, сифатини яхшилайти, касалликларга чидамлилигини оширади;

Айрим сабзавотлар кўчат шаклида экилади. Уларни ўз вақтида тайёрлаш ва сифатини кўтариш мақсадида ёпиқ майдон сабзавотчилигини ташкил этиш зарур.

Сабзавот экинларини бошқа уларга мос экинлар билан алмашлаб экишни амалга ошириш лозим, илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатадики бедапоядан бўшаган ерлар, полизлар, шунингдек, дуккаклилар карам, пиёз учун энг самарали ўтмишдош ҳисобланади. Сабзавот экинлари кўпи билан 3-4 йилда оралатиб экилиши керак.

Сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш учун энг муҳим омил давлат стандарт (ГОСТ) реестридан ўтказилган сифатли, тоза,

соғлом унувчанлиги юқори нав, элита, 1 класс уруғларини экиш мақсадга мувофиқдир;

Товар маҳсулотларини эркин ва шартнома, бозор иқтисодиётининг қиймат, талаб ва таклиф қонунлари талаблари асосида ташкил топган баҳоларда сотиш ва ҳ.к.

Самарадорликни ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади:

1.Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боглик бўлган ва субъектив характерга эга бўлган ички омиллар.

2.Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боглик бўлмаган ва объектив характерга эга бўлган ташки омиллар.

1.Ички омилларга сотиладиган маҳсулот микдори, унинг сифати, ишлаб чиқариш харажатлари киради. Сотиладиган маҳсулот микдори ялпи маҳсулот ҳажмига ва унинг товарлилик даражасига боглик. Ялпи маҳсулот ҳажмининг усишида сотишга мулжалланган маҳсулотнинг микдори абсолют кўпаяди. Шунингдек, унинг ишлаб чиқариш ички истеъмолига кетадиган қисмининг усиши нисбий кўпаяди. Ялпи маҳсулотнинг ана шу ички истеъмолга кетадиган қисми усиш суръатининг пасайиши товарлилик даражасининг ошишига ва шу асосда пул тушумининг кўпайишига шароит яратади. Юқори сифатли маҳсулот анча юқори сотиш баҳосини таъминлагани учун, маҳсулот сифати пул тушуми оркали фойда микдорига таъсир кўрсатади.

Пул тушуми микдори маҳсулотни сотиш муддатларига, сотиш бозорига ва унинг таркибига боглик. Бундан ташкари пул тушуми сотиш каналларига ҳам боглик. Унинг давлатгами, матлубот кооперациясигами ёки бозоргами сотилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фойданинг муҳим омилларидан бири маҳсулот таннархидир. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ёки ошиши фойда микдорига анча сезиларли таъсир кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари таҳлили шуни кўрсатадики, корхонанинг умумий тушуми корхонанинг жами сотуви бўлиб, у ўзида

таннарх ва даромадни акс эттиради. Қачонки умумий тушум умумий харажатдан ошсагина, корхона фойда олиши мумкин.

Бироқ вилоят кўп йиллик тажрибасига кўра очик майдонларда сабзавот етиштириш билан ҳамма хўжаликларда ҳам рентабеллик даражасининг юқори бўлишини таъминлашга эришмаган. Амалда барча фермер хўжаликлари ҳам хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъмин этишга қодир эмас. Бу соҳадаги тафовудлар вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳамда фермер хўжаликлари ҳисоботларида, йиғилишларида, илмий тадқиқотларнинг таҳлилий маълумотларида аниқланмоқда. Жумладан ўтган йили хўжаликларда очик ерда етиштирилган сабзавот рентабеллиги 42,2 % бўлган ҳолда айрим хўжаликларда 14,8 % ни ташкил этди. Бунда баъзи хўжаликлар ўртасидаги рентабеллилик даражаси 4% дан 63 % гача фарқ қилади. Ана шундай тафовутлар сабзавот етиштиришга ихтисослашган Самарқанд тумани фермер хўжаликлари учун ҳамтавсифлидир. Мисол учун очик ерда етиштирилган сабзавотнинг товар қисми рентабеллиги Темир бобо фермер хўжалигида 48,9-64,3 % бўлган ҳолда, Муштарий хўжалигида атиги 8,5 % ни ташкил этди. Бу тафовутларнинг асосий сабаби шуки, кўп ҳолларда таннарх ошиб келмоқда, сифат паст бўлаяпти. Маҳсулотнинг ассортиментидаги турлари бажарилмаяпти. Унинг ўртача сотиш баҳоси бирлиги белгиланганидан ортиқча бўлмоқда.

Умуман деҳқончиликни ташкил этиш, техник ва бошқа имкониятларидан фойдаланиш даражаси, фермер хўжаликлари ўртасидаги тафовутлар пировардида ҳосилдорликка намоён бўлади. Шу жиҳаттан олиб қараганда, вилоятимизда туман республикада етакчи ўринларда туради. Бироқ 1987 йил натижаларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек, агросаноат мажмуасининг ҳамма йўналишларида ҳам ер, сув, иқлим шароити, меҳнат ресурслари интенсив технологиялардан самарали фойдаланилмаяпти деб бўлмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керак, кўпгина фермер хўжаликларда ҳосилдорлик фоизлари кетидан қувилиб, сифати унитилиб қўйилапти. Маҳсулотни кўпроқ олиш мақсадида минерал

ўғитлар меёрсиз ва тартибсиз, илмий-амалий тавсияларга риоя қилинмаган ҳолда берилмоқда. Маҳаллий ўғитлар чиритилмасдан меёрсиз берилмоқда. Бу, сабзавот маҳсулотларини сифатига путур етказаяпти. Уни сақлаш ва реализация қилишда исрофгарчиликка олиб келади. Жумладан, Самарқанд тумани фермер хўжаликларида етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари таркибида талаб қилинадиган элементлар етарли бўлмай қолмоқда. Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам аҳвол жуда яхши эмас. Натижада ҳар йили бериладиган буюртмалар тўлиқ бажарилмаётир ёки тузулган шартномалар шартлари бузилмоқда. Маҳсулотларнинг 25-30 % и сифати бузилиб истеъмолчиларга етиб бормаяпти.

Сабзавот маҳсулотлари етиштириш таннархининг Самарқанд тумани фермер хўжаликларида ошиб бораётганлиги, сифатнинг талабдан орқада қолаётганлигидир.

Сабзавотчилик фермер хўжаликларида сабабларидан яна бири шуки, ишлаб чиқариш хўжаликларда ҳамон кўл кучига асосланмоқда. Натижада меҳнатга тўланган ҳақ тўғридан тўғри таннарх ҳисобига қўшилаяпти. Ўтган йили туманда 1 ц сабзавот учун ўртача умумий харажатларнинг 32,6 фоизи меҳнат ҳақи сифатида тўланди. Самарқанд тумани хўжаликларида эса бунга қўшимча равишда транспорт, идишлар ишлаб чиқишни ташкил этиш, бошқарув харажатлари ҳам қўшилмоқда. Оқибатда таннархнинг 12 фоиздан 13,4 фоизгачаси бошқарув аппарати ходимларига сарфланмоқда.

Кейинги йилларда сабзавот маҳсулотларининг харид нархини кўпайтириш мақсадида сифатли сабзавотлар етиштиришга аҳамият берилмоқда.

Сабзавотчиликни илмий техникавий асосларда ривожлантириш, тармоқнинг рентабеллигини таъминлаш, ҳосилни сифатли йиғиштириб олиш, қайта ишлаш, сотишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида республикада мулкчиликнинг турли шакллари жорий этилди, кредитлар бериш, имтиёзлар бериш каби имкониятлар яратилди.

4.3. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маълумки, сабзавот таннархини пасайтириш муҳим вазифа бўлиб, бу вазифани ҳал қилишда мавжуд ер-сув, меҳнат ва моддий ресурсларни, яъни ресурслар салоҳиятини тўғри сарфлаш, уларни белгиланган меъёрларига қатъий риоя қилиш, тежамкорликни амалда кенг қўллаш муҳимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликлар маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархи калькуляциясини тўғри ташкил қилишнинг аҳамияти ҳам жуда каттадир.

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг муҳим омили ва кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳар қандай маҳсулот бирлигининг таннархи икки миқдор нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сифатига боғлиқ бўлади. Таннарх қуйидаги ҳолларда пасайиши мумкин:

1. Агар маҳсулот ўзгармагани ҳолда, харажат миқдори камайса.
2. Агар ялпи маҳсулот миқдори кўпайиб, харажатлар ўзгармаса.
3. Агар ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати харажатлар ўсиш суръатидан юқори бўлса.

Маълумки, сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш интенсив ва экстенсив йўллардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Сабзавот таннархини моддий-пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ҳам пасайтириш лозим. Шу мақсадда уларнинг ташкил топиш хусусиятларини таҳлил қиламиз.

1 ц. маҳсулот таннархининг таҳлили билан бир қаторда унинг таркибий тузилишини ҳам таҳлил этиш зарур, яъни таннарх таркибидаги ҳар бир модда бўйича ўзгаришини омилли таҳлил қилиш керак, шундай қилинса, таннархни арзонлаштириш имкониятларини кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун шароит яратилади.

4.6 -жадвал

Самарқанд тумани сабзавотчилик фермер хўжаликларида 2010-2012 йиллардаги сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун сарфланган харажатларнинг таркибий натижавий таҳлили.

Кўрсаткичлар	2010 йил млн. сўм	Улуши %	2011 йил млн. сўм	Улуши %	2012 йил млн. сўм	Улуши %	2012 йилни 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
							(+ /-)	%
Меҳнат ҳақи, ажратмалар билан	2594,6	27,3	3971,2	27,2	7106,275	27,5	4511,7	273,9
Минерал ўғитлар	1976,8	20,8	3109,8	21,3	5581,656	21,6	3604,8	282,4
Амортизация	304,1	3,2	408,8	2,8	775,23	3	471,1	254,9
Уруғлик	1359,1	14,3	2160,8	14,8	3901,991	15,1	2542,9	287,1
Иш-хизматлар	1463,6	15,4	2204,6	15,1	3876,15	15	2412,5	264,8
ЁММ	1026,4	10,8	1766,6	12,1	3281,807	12,7	2255,4	319,7
Умум ишлаб чиқариш харажатлари	513,2	5,4	627,8	4,3	1059,481	4,1	546,3	206,4
Бошқа харажатлар	266,1	2,8	350,4	2,4	258,41	1	-7,7	97,1
Жами	9504	100	14600	100	25841	100	16337	0

*Манба: Самарқанд тумани фермер хўжаликлари уюшмаси ҳисоботларидан

4.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд тумани фермер хўжаликларида сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун сарфланган жами харажат 2012 йилда 25841 млн сўмни ташкил қилган бўлса, меҳнат ҳақи, ажратмалари билан 27,5 фоизни, минерал ўғитлар 21,6 фоизни, амортизация харажатлари 3,0 фоизни, уруғлик 15,1 фоизни, иш-хизматлар 15,0 фоизни, ЁММ 12,7 фоизни, умум ишлаб чиқариш харажатлари 4,1 фоизни ва бошқа харажатлар 1,0 фоизни ташкил қилган. 2012 йил 2010 йилга нисбатан ушбу харажатлар таркиби 2-3 марта ошганлигини кўришимиз мумкин.

5. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ҳар қандай корхона ва ташкилотда инсонлар саломатлигини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилади. Шу жумладан фермер хўжаликларида ҳам бу масалага катта эътибор берилиб келмоқда. Қайси соҳа бўлмасин ишловчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш биринчи даражали вазифадир. Ушбу вазифани виждон амри билан бажариш ҳар бир раҳбарнинг бурчидир. “Истиқлол” фермер хўжалиги ҳам ушбу вазифани шараф билан бажариб келмоқда. Меҳнат хавфсизлиги деганда меҳнаткашларга, ишловчиларга зарарли ёки хавфли бўлган ишлаб чиқариш омиллари таъсирининг олдидан олиш тушунилади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш шароитида физик ёки кимёвий хавфли ишлаб чиқариш омиллари бўлади, уларнинг одамга таъсир этиши шикастланишига олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунда сабзаёт маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олишда янги юқори унумли машина трактор агрегатлари, ўсимликларни касаллик ҳамда зараркунандалардан муҳофаза қилишга кимёвий воситалари жорий қилинмоқда ҳамда ишлатилмоқда. Бундай шароитларда хавфсизлик техникаси талабларининг озгина бузилиш ҳам вазият пайдо қилиб, бахтсиз ходисаларга олиб келиши мумкин.

Республикамызда чуқур иқтисодий ўзгариш бўлаётган бир даврда, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури кучга кириши, юқоридаги фикрни амалга оширишнинг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилади. Кўп босқичли таълим тизимига биноан олийгоҳларда тайёрланадиган бакалаврлар учун ўқув режасига «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» фанининг киритилиши бўлғуси мутахассисларнинг билимини чуқурлаштирилишига ёрдам бериши сўзсиздир.

Ҳаётий фаолият хавфсизлиги (ХФХ) фанининг диққат марказига қўйилган мақсад бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги-бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати (меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортда) унинг фаолиятини ташкил қилади.

1. Хаётий фаолият хавфсизлиги фани ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олгандир. Хаётий фаолият хавфсизлиги принцип ва усуллар асосида: баҳциз, ходисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган фандир. ХФХ-бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

«Хаётий фаолият хавфсизлиги» курси бўлғуси мутахассисларни меҳнат муҳофазасининг илмий асосларига доир билимлар билан қуроллантириш ва уларда ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароити ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш муаммоларини ижобий ҳал этишга қизиқиш уйғотишга мўлжалланган. Бунинг илмий замини эса қуйидагилардан иборатдир.: ишлаб чиқаришда шикастланиш, касалликлар, ишлаб чиқаришда содир бўладиган ёнгин ҳамда портлашлар сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиш; ишлаб чиқаришдаги хавфлилик ва зарарлилик даражасини ўрганиш; тўқимачилик, пахта, ипак ва енгил саноатда қабул қилинган ёки жорий этишга тавсия этиладиган, оғир ҳамда сермеҳнат ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришни кўзда тутувчи технологик жараёнларни баҳолаш. Мазкур курс «Эргономика», «Мухандислик психологияси», «Меҳнатни илмий ташкил қилиш», «Техник эстетика», «Меҳнат физиологияси ва гигиенаси», «Ҳуқуқшунослик», «Иқтисодиёт», «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш» каби фанлар билан боғлангандир.

Ўзбекистон Давлат стандарти ишлаб чиқиш ва жорий этиш устида иш олиб бормокда. Бу мажмуалар ишлаб чиқариш ускуналари ва жараёнларига, ишловчиларни ҳимоялаш воситаларига ҳамда корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишни ташкил қилишга тааллуқлидир.

Янги технологик жараёнларнинг яратилиш, янги ашёларнинг қўлланиши принцип жиҳатдан янгича ёндошувни, меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг янги усуллар ҳамда воситаларини ишлаб чиқишни,

шунингдек ана шу масалалар бўйича янги меъёртивларни яратишни тақозо этади. Шу сабабли меҳнат муҳофазасига доир меъерий ҳужжатларни тартибга солиш зарурати пайдо бўлди. Бу ҳужжатлар давлат стандартлаштириш системасининг таркибий қисмига айланади.

Меҳнат ҳавфсизлиги стандартлари мажмуаси (МХСМ)-бу ўзаро боғлиқ стандартлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар уч гуруҳга бўлинади ва қуйидагиларни белгилайди: ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларига доир умумий талаблар ҳамда меъёрлар; ишлаб чиқариш жараёнларига доир ҳавфсизликнинг умумий талаблари; ишловчиларни химоялаш воситаларига доир талаблар; меҳнат ҳавфсизлигини баҳолаш методикаси. Саноат корхоналарининг технологик ускуналарига доир умумий талаблари «Меҳнат ҳавфсизлиги талаблари мажмуаси. Саноат корхоналари учун технологик ускуналар. Ҳавфсизликнинг умумий талаблари» да баён этилган.

Техника тараққиёти натижасида замонавий механика - машинасозлик корхоналарида турли туман жиҳозларнинг кириб келиши, шунингдек бу машиналарнинг унумдорлигини оширишга талабнинг кучайганлиги, машиналарнинг иложи борича кам материал сарфлаб, қўл билан бажариладиган вазифаларни механизмлар зиммасига юклаш натижалари инсонга таъсир этувчи қўшимча ҳодиса, титраш ҳодисасини келиб чиқишига олиб келди. Титраш саноатда ишчининг иш унумдорлигини камайтирибгина қолмасдан, балки унинг соғлигига ҳам таъсир кўрсатиши ва бу таъсирнинг олди вақтлироқ олинмаса, ҳавфли титраш касаллигига олиб келиши аниқланди. Шунинг учун ҳам титрашга қарши кураш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги тушунчасида кўп учрайдиган таърифлар билан белгиланади.

Фаолият-инсоннинг жамиятда мавжуд бўлиши учун керакли шароит. Меҳнат-фаолиятнинг юкори шакли. Файласуфларнинг фикрича, инсоннинг таърифи-ҳаракатдаги, меҳнатдаги фаолиятидир.

Меҳнат ва фаолият шакллари турлича бўлиб, улар ҳаётда учрайдиган аклий, маънавий, маданий, илмий ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади.

Хар қандай фаолият яширин (потенциал) хавфлидир. Шу билан бирга хавф даражасини бошқариш ҳам мумкин. Буф икр мутлако хавфсиз фаолият бўлмаслигига асосланган.

Хавфсизлик – бу айрим эхтимолларга асосланиб пайдо бўладиган хавф-хатарларни истисно этилган фаолият ҳолатидир.

Хавфсизлик – бу мақсад, ХФХ бўлса шу мақсадга эришиш учун кўлланадиган воситалар, йўл-йўриқ, кўлланмалар усуллардир.

ХФХ – бу хавф-хатарларни ўрганиш ва инсонни химоя қилишни ўрганадиган фандир.

3. Хавфсизликнинг умумий назариясининг тузилишида тамойил (принцип)лар ва усуллар кўрилатган билим соҳасида алоқадор тўғрисида тўла тасаввур қилишга методологик аҳамиятга эга.

Асос (негиз, принцип)-бу фикр, гоя, мақсад (асосий ҳолатдир).

Усул-бу энг умумий қонуниятларни билиш орқали мақсадга эришиш йўли.

Хавфсизликни таъминлаш чоралари – бу усулларни ва асосларни амалий, ташкилий, моддий гавдалантириб амалга оширишдир.

Асослар, усуллар, чоралар – бу хавфсизликни таъмин этишдаги мантикий қўғоналардир. Уларни танлаб олиш фаолиятнинг аниқ шароитларига, хавфнинг даражасига ва бошқа мезонларга боғлиқ.

4. Инсон ўз меҳнат фаолияти жараёнида бўладиган фазо – иш жойи деб аталади (гомосфера). Хавф мавжуд ёки вақти-вақти билан пайдо бўладиган фазони ноксосфера дейилади. Хавфсизликни таъминлашга қуйидаги 3 хил усуллар орқали эришилади:

а) Гомосфера ва ноксосферани фазовий ва вақтий маънода ажратиб қўйиш, бунини ҳал қилиш учун масофадан бошқариш, автоматлаштириш, роботлаштириш воситалари ёрдамидан фойдаланилади.

б) Хавфларни йўқотиш йўли билан ноксосферани меъёрлаштириш. Бу усулга ишчиларнинг шовқин, газ, чангдан, жароҳатланишидан сакловчи шахсий ва коллектив химоя воситалари қўллаш.

в)Бу усул ишчиларни тегишли мухитга мослашишга, уни химоялашдаражасини кўтаришга йўналтирилган ҳар хил воситалар ва усулларни ўз ичига олади. Касбига қараб танлаш, рухий таъсир ва (шахсий) химоя воситалари қўллаш. Амалда эса юқорида айтилган усуллар (комбинацияси) биргаликда қўлланилади.

Хавфсизликни таъминловчи воситаларга, жамоа (коллектив) ва шахсий химоя воситалари қиради. (ЖХВ ва ШХВ). Улар ўз йўлида хавфларнинг турига, тузилишига, ишлатиш соҳасига нисбатан гуруҳларга бўлинади.

5. Меҳнат муҳофазаси бўлими «Хаётий фаолият хавфсизлиги» фанининг мутахассисликка тегишли асосий назарий қисмини беради. Аниқ муаммолар, транспорт воситалари, технологикжараёнлар, иш турлари, бино ва иншоотлар учун хавфсизликни таъминлаш ҳар бир фаннинг мутахассислик курсларида берилади.

Меҳнат муҳофазаси борасида илмий тадқиқот ишларини меҳнатни муҳофазаси қилиш институти ва олий ўқув юр்தларининг ХФХ кафедралари, кўплаб тиббиёт илмий-тадқиқот ташкилотларида олиб борилади. Одатда барча стандарт ва техник талабларга «Хавфсизлик техникаси» талаблари киритилади.

Меҳнат шароитининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга-яъни меҳнатқашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини оширишга олиб келади.

Меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирон бир янги машина ёки механизм ишлаб чиқаришга қабул қилинмаслиги керак. Шунингдек меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирор сех ёки корхона эксплуатациясига туширилмаслиги керак.

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси кўплаб қонун чиқарувчи расмий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлиб, тартибга солиб ва бошқариб турилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Қишлоқ хўжалигини маҳсулотларини ишлаб чиқариш рақобатдошлиги кўп жиҳатдан, ишлаб чиқарувчидан маҳсулот таннархини арзонлаштириш масаласига эътибор беришни талаб этади. Маҳсулот бирлиги учун сарф этиладиган харажатлар миқдорини камайтириш масаласи эса энг аввало қишлоқ хўжалиги корхоналари учун яратилган иқтисодий эркинликлар даражаси, бевосита маҳсулот етиштирувчи фермернинг моддий манфаатдорлиги тизимини такомиллаштириш масаласи, янги техника ва технологиялар ўртасидаги мутоносиблигини сақлаш масаласи ва ер майдонлари унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатини яхшилашни молиялаштириш масаласи ва бошқа муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

Сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги технологиялар ва агротехник услубларини амалиётда жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир. Сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот таннархи пасайиши бевосита қандай технология ва техникалар ёрдамида маҳсулот етиштиришга, бу техника ва технологияларнинг ҳар бир ҳудуд шароитига мослигига эътибор берилишига, уларнинг ҳар бир ҳудудда шакилланган тажриба ва деҳқончилик маданиятига қанчалик мос келишига боғлиқ бўлади.

Республикамизда етиштирилаётган сабзавот ва мева маҳсулотларининг истеъмолчиларгача етиб бориш жараёнида қариб 1/3 қисми нобуд бўлади. Сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида керакли транспорт воситалари билан таъминлаш, маҳсулотни йиғиш, сақлаш, ташиш, қайта ишловчи корхоналарига ёки бевосита истеъмолчиларга етказиш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот етиштириш ушбу нобудгарчиликларни олдини олади. Маҳсулотни сотиш, транспорт муаммосини ҳам ҳал этишда, кооперация тизимини ва шунингдек хусусий тармоқни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан, сабзавотларни сақлаш учун мукамал

технологиялар ва махсус омборхоналарни етишмаслиги ва омборларнинг талаб даражасидан пастлиги ҳам маҳсулот сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Ўрганишлар кўрсатишича бизнинг фермерларимиз маҳсулотга харидорни жалб қилувчи кўриниш бериш, уни қадоқлаш ва реклама қилиш борасида етарли даражадаги кўникма, тажриба ва техник имкониятларга эга эмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатдошлигини пасайтириб, натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рақобатдошлигига салбий таъсир этмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибалари кўрсатишича инкирозга учраётган фермер хўжаликларининг ярмидан кўпи бозор тўғрисидаги маълумотларга етишмаслиги ва зарурий билим, кўникмалар камлиги ҳисобига инкирозга учрашади. Шунинг учун фермаларга хизмат кўрсатиш, маслахатлар бериш бўйича консалтинг фирмаларини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетингини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда Республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш борасида кўпгина ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб билган фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш ҳажми кўпайиб ҳосилдорлик йилдан йилга ортмоқда ва фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган деҳқонларнинг моддий манфадорлиги ошмоқда. Сабзавот маҳсулотлари етиштиришда Самарқанд вилояти бўйича экин майдони ва ялпи ҳосил бўйича Самарқанд тумани етакчи ўринни эгаллайди.

Самарқанд тумани фермер хўжаликлари маълумотлари асосида “Сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи таҳлили ва уни пасайтириш имкониятлари” мавзусида битирув малакавий ишини бажариб қўйидаги хулосаларга келдик:

1. Самарқанд туманида 2012 йилда 463 та фермер хўжаликларига жами 15826 гектар ер майдони бириктирилган бўлиб, ўртача ҳар бир фермер хўжалигига 34,2 гектар ер майдони тўғри келмоқда.

2. Самарқанд тумани фермер хўжаликларининг рентабеллик даражаси 2012 йил 27,9 фоизни, 2010 йилга нисбатан 1,6 пунктга ошган.

3. Туманда сабзавот экин майдони 2012 йилда 3255 гектарни ташкил қилиб 128182 тонна ялпи ҳосил олган, Натижада ҳосилдорлик 393,8 ц/га ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан экин майдони 773 гектарга, ялпи ҳосил 54516 тоннага ва ҳосилдорлик 97 ц/га ошган.

4. Туман фермер хўжаликларида сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 2012 йил 1 гектар экин майдонига ўртача 7938,9 минг сўм харажат қилиб, 11026,1 минг сўм даромад олган. Натижада фойда 3087,3 минг сўмни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичларни 2010 йилга нисбатан ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, харажатлар 207,3 фоизга, даромадлар 206,4 фоизга ва фойда 204,0 фоизга ошган.

5. Тумани фермер хўжаликларида 2012 йилда 1 ц сабзавотнинг таннархи 20,2 минг сўмни ташкил этган ва 2010 йилга нисбатан 7,3 минг сўмга ошган ва бу ўзгариш 1 га ерга қиланган харажатнинг 4109,7 минг сўмга ошгани таннархнинг 13,8 минг сўмга ошишига сабаб бўлган бўлса, ҳосилдорликнинг 97 центнерга ошиши таннархни 6,5 минг сўмга камайишига сабаб бўлган.

Битирув малакавий ишини бажариб сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш учун кўйидаги таклифларни бердик:

1. Озиқ-овқат маҳсулотларини бозорга етказишга кўмаклашиш мақсадидида хусусий транспорт хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш.

2. Янги навлар ва технологияларни жорий этиш орқали ушбу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини ошиши ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш.

3. Ўтказиладиган агротехник тадбирларнинг механизациялаштириш даражасини ошириш орқали меҳнат унумдорлигини кўтариш.

4. Сабзавотчиликка ўғитлар етказиб беришни ва бегона ўт, зараркунандалар ва касалликларга қарши курашда замонавий гербицидлар етиштиришни кўпайтириш;

5. Тармоқни ривожлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шакллари ва меҳнатни ташкил этишнинг ижара муносабатларини такомиллаштирилган шакллари кенг жорий этиш.

Умуман олганда, таклифларимизни туман фермер хўжаликларида қўлланилиши маҳсулот таннархини пасайтиришга, фойдани кўпайтиришга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ–927. 24.07.2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. ПҚ–1112. 15.05.2009.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури тўғрисида. ПҚ-1474. 07.02.2011.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПҚ-1501. 11.03.2011.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010.
8. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
9. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: Президент

Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи. 22.01.2011

10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

11. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: Президент Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи. 20.01.2012.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи. 19.01.2013. №13.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

14. Дехқонов М. Фермер хўжаликларида таннархни пасайтириш омиллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2010. -№ 5 -б. 30 .

15. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. –Т.: Молия, 2005.

16. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиқлол, 2004.

17. Муллажонов А. Мева-сабзавотчилик ва сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш, уларни қайта ишлаш ва унда замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича вазифалар. –Самарқанд, 2009.

18. Муртазаев О., Ганиев И., Ҳасанов Ш., Ахроров Ф. Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари. Самарқанд, 2009.
19. Қудратов Т.Қ. Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналарини фаолиятини
20. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Дарслик. – Т.: 2009. – 460 б.
21. Остонақулов Т.Э., Облоқулов Д.Д. Такрорий экин сифатида помидор етиштириш технологияси. –Т.: 2008. -118 б.
22. Қудратов Т.Қ. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. - Самарқанд, 2010.
23. Умрзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалик иқтисодиёти. -Т.: Иқтисод-Молия, 2008.
24. Ҳасанов Ш.Т. Сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш. Автореферат. -Самарқанд, 2006.
25. Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2010. - № 2. -б. 26.
26. Эргашев А. Фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. -№ 7 -б. 26 .
27. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: EXTREMUM PRESS, 2011. -416 б.
28. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, статистика бўлими, Самарқанд тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2010-2012 йиллар ҳисоботлари.
29. www.president.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти портали
30. www.lex.uz –қонун ҳужжатлари сайти
31. <http://gov.uz/uz/press/economics/10255>. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали.
32. www.agro.uz – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти
33. www.edu.uz - Олий таълим сайти
34. www.ziyo.net – Зиёнет таълим портали
35. www.livestock.uz – Ўзбекистон чорвачилиги сайти

36. www.samqxi.uz– Самарқанд қишлоқ хўжалик институти сайти
37. www.usda.gov – АҚШ қишлоқ хўжалик департаменти сайти
38. www.uz.bir.uz, – Бизнес информацион ресурслар сайтлари
39. www.uzreport.com – Ўзбекистон Ахборот агентлиги сайти
40. www.uzreport.com – бизнес ҳисобот портали